

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРИНИГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА  
УЛАРИНИГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**“БАНК ИШИ” МОДУЛИ БЎЙИЧА  
ЎҚУВ–УСЛУБИЙ МАЖМУА**

*Тузувчилар: доц. И.Р.Тоймухамедов,  
доц. Х.А.Қурбонов*

Тошкент – 2014

## МУНДАРИЖА

<b>ИШЧИ ДАСТУР .....</b>	<b>3</b>
<b>ТАҚВИМ МАВЗУИЙ РЕЖА.....</b>	<b>7</b>
<b>ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ.....</b>	<b>8</b>
<b>МАЪРУЗА МАТНИ .....</b>	<b>26</b>
<b>ТЕСТ САВОЛЛАРИ .....</b>	<b>57</b>
<b>НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ.....</b>	<b>66</b>
<b>МАЛАКАВИЙ ИШ МАВЗУЛАРИ.....</b>	<b>68</b>
<b>МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ УЧУН САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР .....</b>	<b>70</b>
<b>ГЛОССАРИЙ .....</b>	<b>72</b>
<b>ДИДАКТИК ВА ТАРҚАТМА МАТЕРИАЛЛАР.....</b>	<b>76</b>
<b>АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ .....</b>	<b>92</b>

## **ИШЧИ ДАСТУР**

### **Модулнинг асосий мақсади ва вазифалари**

• Тингловчиларга Ўзбекистон Республикаси кредит тизими, банклар фаолияти ҳақида илгари сурилган илмий-назарий концепциялар тўғрисида қиёсий, таҳлилий маълумотлар бериш, замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиб тингловчиларни малакасини оширишга кўмаклашиш;

• Банк тизими ва банклар фаолиятининг ташкилий-иқтисодий механизми бўйича олиб борилаётган ислохотлар тўғрисидаги асосларнинг ишлаб чиқилганлигини ёритиш ва тингловчиларда уларни аниқ илмий назарий таҳлил қилиш, холис баҳолаш ва мустақил ҳаётий позициясини вужудга келтиришга эришиш;

• Банклар фаолияти ва операцияларининг амалий томондан ўрганишлари ва уларнинг ташкилий томонларини билишлари; иқтисодиётни банк сектори томонидан тартибга солиш жараёнларини ўрганишга, тижорат банклари тизимининг фаолиятини самарали олиб бориш, уларни либераллаштириш ҳамда модернизациялаш механизмларини ўргатиш.;

• Ўзбекистон Республикаси банк тизими ва тижрат банклари фаолиятини ташкил этиш борасидаги ислохотларни Президент асарларига таянган ҳолда ўрганишдан иборат.

### **Модул бўйича билимлар, кўникмалар, малакаларга қўйиладиган давлат талаблари**

Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ўқитувчилари малакасини оширишга қўйиладиган давлат талаблари ва тайёргарлик йўналишлари бўйича намунавий дастурлар асос қилиб олинган.

### **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

Фан мазмуни ўқув режадаги учинчи ва бешинчи блок ва мутахассислик фанларининг барча соҳалари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг умумий тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қилади.

### **Модулнинг Олий таълимдаги ўрни**

Ҳозирги глобаллашув шароитида молия-банк тизими ва ундаги ислохотларнинг устувор йўналишлари тўғрисида назарий ва амалий билимларни мужассамлаштирган бўлиб, унда жаҳон мамлакатлари ва Республикамиз молия-банк тизимидаги ислохотларнинг концептуал асослари ёритиб берилган. Замонавий иқтисодчи педагог кадрлар учун ушбу

йўналишдаги маълумотларни ўзлаштириш талаб қилинади ва бунда фаннинг роли юқоридир.

**Маъруза-тренинг машғулоти мавзулари**

№	Мавзунинг номи	Маъруза машғулоти	Амалий машғулоти	Қўчма машғулоти	Мустақил таълим
1.	Банк тизими ва банк фаолияти	2	-	-	-
2.	Банк ресурсларини ташкил қилиш, банкларнинг пассив операциялари, банкларнинг кредит потенциали	2	-	-	-
3.	Тижорат банкларининг актив операциялари. Кредит портфели, уни бошқариш ва баҳолаш	-	2	-	2
ЖАМИ:		4	2	-	2

**Назарий машғулотлар мазмуни**

**1-мавзу. Банк тизими ва банк фаолияти (2 соат)**

Режа:

1. Миллий иқтисодиётни модернизациялаш шароитида тижорат банклари бозор инфратузилмасининг асосий тармоғи сифатида.

2. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида Ўзбекистон Республикасининг банк тизими ва унинг асосий операциялари.

3. Бозор иқтисодиёти шароитида пул маблағларини айланиши ва кредитлаштиришда банкнинг функциялари.

4. Тижорат банклари капиталига қўйилган талаблар.

5. Ўзбекистон республикаси Марказий банки томонидан тижорат банкларини назорат қилиш ва фаолиятини тартибга солиш инструментлари.

6. Тижорат банкларининг бугунги кундаги фаолиятини такомиллаштириш муаммолари.

**2-мавзу. Банк ресурсларини ташкил қилиш, банкларнинг пассив операциялари, банкларнинг кредит потенциали (2 соат)**

Режа:

1. Тижорат банкларининг маблағлари ва уларнинг таркибий тузилиши.

2. Банкларнинг пассив операциялари ва ундаги замонавий тенденциялар.

3. Марказий банк томонидан тижорат банклари капиталига қўйилган талаблар.

4. Капитални етарлилик кўрсаткичи ва замонавий шароитларда унга кўйиладиган янги талаблар.
5. Тижорат банкларининг депозит маблағлари манбаи ва уни бошқаришнинг замонавий усуллари.
6. Депозит операцияларини ривожлантириш йўналишлари.

### **Амалий машғулотлар**

#### **1-мавзу. Тижорат банкларининг актив операциялари. Кредит портфели, уни бошқариш ва баҳолаш (2 соат)**

Режа:

1. Тижорат банкларининг актив операциялари ва уларни ривожланиши.
2. Банк активларнинг риск ва даромад даражаси бўйича тавсифи.
3. Банкларнинг кредит операциялари ва ундаги замонавий тенденциялар.
4. Тижорат банклари кредит портфели ва уни бошқариш билан боғлиқ муаммолар.
5. Тижорат банклари томонидан замонавий кредитлаштириш тизими.

### **Адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2010.
2. Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни. –Т., 1997.
3. Ўзбекистон Республикаси "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури". –Т., 1997.
4. Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. // Халқ сўзи газетаси, 2014 йил, 18 январь.
5. Каримов И.А. Бош мақсадимиз - кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. –Т.: Ўзбекистон, 2013. – 36 б.
6. Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. –Т.: Ўзбекистон, 2012. – 36 б.
7. Ўзбекистон Республикаси банк тизими. Ф.М.Муллажонов ва бошқ. Ф.М.Муллажоновнинг умумий таҳрири остида. Тўлдирилган иккинчи нашри. Т.: O'zbekiston, 2011.-368 б.

8. Вахобов А.В., Маликов Т.С. Молия. Дарслик. –Т.: Ношир, 2012. – 712 б.
9. Меркулова И.В., Лукьянова А.Ю. Деньги, кредит, банки. Учебное пособие. – М.: КНОРУС, 2010. – 352 стр.
10. Rashibov O.Yu. va boshqalar. Pul, kredit va banklar. Darslik. -T.: TDIU, 2010. -428 bet.
11. Лаврушин О.И., Банковский менеджмент. Учебник. – М.: КНОРУС, 2010. – 560 стр.
12. Лаврушин О.И. и др. Деньги, кредит, банки. Учебник. – М.: КНОРУС, 2010. -560 стр.
13. Абдуллаева Ш.З. Банк иши. Дарслик. -Т.: Молия. 2007. -510 бет.

ТАҚВИМ МАВЗУИЙ РЕЖА

№	Мавзулар	Машғулот тури	Соати	Ўтказилиш муддати
1.	Банк тизими ва банк фаолияти	Маъруза	2	Ойнинг иккинчи ҳафтаси
2.	Банк ресурсларини ташкил қилиш, банкларнинг пассив операциялари, банкларнинг кредит потенциали	Маъруза	2	Ойнинг учинчи ҳафтаси
3.	Тижорат банкларининг актив операциялари. Кредит портфели, уни бошқариш ва баҳолаш	Амалий машғулот	2	Ойнинг иккинчи ҳафтаси

## ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ

### Маъруза машғулотини ташкил этишнинг шакл ва хусусиятлари:

№	Маъруза шакллари	Ўзига хос тавсифловчи хусусиятлари
1.	Кириш маърузаси	Фан тўғрисида яхлит тасаввур ҳамда маълум йўналишлар беради. Педагогик вазифаси: тингловчини ушбу фаннинг вазифалари ва мақсади билан таништириш, касбий тайёргарлик тизимида унинг ўрни ва ролини белгилаш, курснинг қисқача шарҳини бериш, фаннинг ютуқлари билан таништириб, келажакдаги изланишларнинг йўналишини белгилаш, тавсия қилинган ўқув-услугий адабиётлар таҳлилини бериш, ҳисобот ва баҳолашнинг муддатлари ва шакллари белгилаш.
2.	Маъруза ахборот	Маърузанинг одатдаги анъанавий тури. Педагогик вазифаси: ўқув маълумотларини баён қилиш ва тушунтириш.
3.	Шарҳловчи маъруза	Баён қилинаётган назарий фикрларнинг ўзагини, илмий тушунчалар ва бутун курс ёки бўлимларининг концептуал асосини ташкил этади. Педагогик вазифаси: илмий билимларни тизимлаштиришни амалга ошириш, фанларнинг ўзаро алоқадорлигини очиш.
4.	Муаммоли маъруза	Янги билимлар қўйилган савол, масала, ҳолатнинг муаммолилиги орқали бериледи. Бунда тингловчининг ўқитувчи билан биргаликдаги билиш жараёни илмий изланишга яқинлашди. Педагогик вазифаси: янги ўқув ахборотининг мазмунини очиш, муаммони қўйиш ва уни ечимини топишни ташкил қилиш, ҳозирги замон нуқтаи назарларини таҳлил қилиш.
5.	Визуал маъруза	Маърузанинг мазкур шакли визуал материалларни намоиш этиш ҳамда уларга аниқ ва қисқа шарҳлар беришга қаратилган. Педагогик вазифаси: янги ўқув маълумотларини ўқитишнинг техник воситалари ва аудио, видеотехника ёрдамида бериш.
8.	Маъруза конференция	Аввалдан қўйилган муаммо ва докладлар тизими (5-10 минут)дан иборат илмий-амалий дарс сифатида ўқув дастури чегарасида ўтилади. Докладлар биргаликда муаммони ҳар томонлама ёритишга қаратилиши керак. Машғулот охирида ўқитувчи мустақил ишлар ва тингловчиларнинг маърузаларга яқун ясаб, тўлдириб, аниқлаштириб хулоса қилади. Педагогик вазифаси: янги ўқув маълумотнинг мазмунини ёритиш.
9.	Маслаҳат маъруза	Турли сценарийлар ёрдамида ўтиши мумкин. Масалан, 1) «Савол-жавоб» - маърузачи томонидан бутун курс бўйича ёки алоҳида бўлим бўйича саволларга жавоб бериледи. 2) «Савол-жавоб-дискуссия» - изланишга имкон беради. Педагогик вазифаси: янги ўқув маълумотни ўзлаштиришга қаратилган.



Маъруза машғулотининг таълим технологияси модели

<b>Вақти – 2 соат</b>	<b>Тингловчилар сони: 10-15 нафар</b>
<b>Ўқув машғулотининг шакли</b>	Визуал маъруза
<b>Маъруза режаси</b>	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Миллий иқтисодиётни модернизациялаш шароитида тижорат банклари бозор инфратузилмасининг асосий тармоғи сифатида.</li> <li>2. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида Ўзбекистон Республикасининг банк тизими ва унинг асосий операциялари.</li> <li>3. Бозор иқтисодиёти шароитида пул маблағларини айланиши ва кредитлаштиришда банкларнинг функциялари.</li> <li>4. Тижорат банклари капиталига қўйилган талаблар.</li> <li>5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банкларини назорат қилиш ва фаолиятини тартибга солиш инструментлари.</li> <li>6. Тижорат банкларининг бугунги кундаги фаолиятини такомиллаштириш муаммолари.</li> </ol>
<b>Ўқув машғулотининг мақсади:</b> Банкнинг зарурлиги, моҳияти турлари ҳамда унинг тамойиллари, шунингдек операциялари тўғрисида билимларни ва тўлиқ тасаввурни шакллантириш.	
<b>Педагогик вазифалар:</b> <ul style="list-style-type: none"> <li>- банк тушунчаси билан таништириш ва тушунтириш;</li> <li>- банк тизими ва унинг хусусиятлари билан таништириш;</li> <li>- банк турларини тавсифлаш;</li> <li>- банк операцияларини гуруҳлаш;</li> <li>- банкнинг функцияларини изоҳлаш ва тасаввур ҳосил қилиш.</li> </ul>	<b>Ўқув фаолиятининг натижалари:</b> <ul style="list-style-type: none"> <li>- банкнинг моҳиятини изоҳлайди;</li> <li>- банк, кредит, функция, капитали тушунчаларига таъриф беради;</li> <li>- банк тизими турларини ифодалайди ва уларнинг фарқларини айтиб беради;</li> <li>- банк турларига тавсиф беради;</li> <li>- банк операциялари турларига мисоллар келтиради;</li> <li>- банк функцияларини санаб беради ва изоҳлайди;</li> </ul>
<b>Таълим усуллари</b>	Визуал маъруза, блиц-сўров, баён қилиш, кластер, “ха-йўк” техникаси
<b>Таълим шакли</b>	Жамоа, гуруҳ ва жуфтликда ишлаш.
<b>Таълим воситалари</b>	Маърузалар матни, проектор, тарқатма материаллар, график органайзерлар.
<b>Таълим шароити</b>	Проектор, компьютер билан жиҳозланган аудитория
<b>Мониторинг ва баҳолаш</b>	Оғзаки сўров: тезкор сўров ва бошқалар Ёзма сўров: реферат, тест ва бшқалар

Маъруза машғулотининг технологик харитаси

Иш босқичлари ва вақти	Фаолият мазмуни	
	Таълим берувчи	Таълим олувчилар
1.Ўқув машғулотига кириш босқичи (10 дақиқа.)	1.1. Мавзу, унинг мақсади, ўқув машғулотидан кутилаётган натижалар маълум қилинади.	1.1. Эшитадилар, ёзиб оладилар.
2.Асосий босқич. (60 дақиқа)	<p>2.1. Тингловчилар эътиборини жалб этиш ва билим даражаларини аниқлаш учун тезкор савол-жавоб ўтказилади.</p> <p>- банклар фаолиятига оид қандай муаммоларни?</p> <p>- Замонавий шароитда банкларнинг асосий вазифалари нималардан иборат?</p> <p>-Замонавий банклар фаолиятидаги асосий тенденциялар нималардан иборат?</p> <p>2.2. Ўқитувчи визуал материаллардан фойдаланган ҳолда маърузани баён этишда давом этади. Банк, операция, капитал, актив, пассив, фоиз тушунчаларини шарҳлайди.</p> <p>2.3. Банк тизими ва унинг асосий хусусиятлари, шунингдек банк операциялари турларининг тақдимоти намоён қилади.</p> <p>а) Банкларнинг актив операцияларининг такомиллашуви нималардан иборат?</p> <p>б) Банкларнинг асосий вазифалари нима?</p> <p>в) Банк функциялари ўртасида қандай боғлиқлик бор ва аҳамияти нимада? каби саволлар орқали мавзунинг асосини тушунтириб беради.</p> <p>2.4. Тингловчиларга мавзунинг асосий тушунчаларига эътибор қилишни ва ёзиб олишларини таъкидлайди.</p>	<p>2.1. Эшитадилар. Навбат билан бир-бирини такрорламай атамаларни айтадилар.</p> <p>Ўйлайдилар, жавоб берадилар.</p> <p>Жавоб берадилар ва тўғри жавобни эшитадилар.</p> <p>2.2. Схема ва жадваллар мазмунини муҳокама қиладилар. Саволлар бериб, асосий жойларини ёзиб оладилар.</p> <p>2.3. Эслаб қоладилар, ёзадилар. Ҳар бир саволга жавоб беришга ҳаракат қиладилар. Таърифни ёзиб оладилар, мисоллар келтирадилар.</p>
3. Якуний босқич. (10 дақиқа.)	3.1. Мавзуга якун ясади ва тингловчилар эътиборини асосий масалаларга қаратади. Фаол иштирок этган тингловчиларни рағбатлантиради. Мустақил иш учун вазифа: “банк” сўзига кластер тузишни вазифа қилиб беради, баҳолайди.	<p>3.1. Эшитадилар, аниқлаштирадилар.</p> <p>3.2. Топширикни ёзиб оладилар.</p>

Визуал материаллар

**Банк тизими** – ташкилий тузилма сифатида йирик тизим булиб мамлакатнинг иктисодий тизимига киради. Буш уни билдирадики банкларнинг фаолияти ва ривожланишини моддий ва номоддий неъматларини ишлаб чиқариш, муомала ва истеъмол қилиш билан боглик холда куриб чиқиш зарурдир.

2-илова

**Кредит** – ўз эгалари қўлида вақтинча бўш турган пул маблағларини бошқалар томонидан маълум муддатга ҳақ тўлаш шарти билан олиш ва қайтариб бериш юзасидан келиб чиққан муносабатдир.

3-илова


**Кредит субъектлари**-корхона, фирма, ташкилот, давлат ва турли тоифадаги аҳолидир.

**Кредит объекти**- вақтинча бўш турган, берилиши мумкин бўлган пуллар ва товарлардир.

**Кредит** – ўз эгалари қўлида вақтинча бўш турган пул маблағларини бошқалар томонидан маълум муддатга ҳақ тўлаш шарти билан олиш ва қайтариб бериш юзасидан келиб чиққан муносабатдир.

4-илова.







Марказий банк вазифалари


1. Ҳукумат билан бирга ягона давлат пул – кредит сиёсатини ишлаб чиқади ва олиб боради.
2. Марказий банк нақд пулларни монопол эмиссиясини ташкил этади ва муомаласини олиб боради.
3. Тижорат банкларини қайта молиялаштириш тизими ва охириги кредитор функциясини бажаради.
4. Нақд пулсиз ҳисоб – китоблар стандарти, муддати, шакллари, қоидаларини ўрнатади ва ташкил этади.
5. Банк тизимида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини, банк операцияларини олиб бориш қоидаларини ишлаб чиқади.
6. Аудит билан шуғулланувчи ташкилотлар ва кредит ташкилотларини давлат рўйхатидан ўтказди.
7. Тижорат банклари ва кредит ташкилотлари учун иқтисодий нормативларни ўрнатади.

**Ссуда капитали** – бу фаолият кўрсатувчи капитал айланишига хизмат қилувчи ва фоиз келтирувчи ссудага (қарзга) бериладиган пул капиталидир.


**Фоиз нормаси** – ссуда капиталига олинadиган йиллик даромадни, қарзга (ссудага) берилган капитал суммасига нисбатидир.



**Замонавий тижрат банклариниг функциялари**



**Марказий банкнинг пул -кредит инструментлари**



2- мавзу	<b>Банк ресурсларини ташкил қилиш, банкларнинг пассив операциялари, банкларнинг кредит потенциали</b>
----------	-------------------------------------------------------------------------------------------------------

**Маъруза машғулотининг таълим технологияси модели**

<b>Вақти</b> – 2 соат	<b>Тингловчилар сони:</b> 10-15 нафар
<b>Ўқув мағзулотининг шакли</b>	Мавзу бўйича визуаллашган маъруза
<b>Маъруза машғулоти режаси</b>	<ol style="list-style-type: none"> <li>1.Тижорат банкларининг маблағлари ва уларнинг таркибий тузилиши.</li> <li>2.Банкларнинг пассив операциялари ва ундаги замонавий тенденциялар.</li> <li>3.Марказий банк томонидан тижорат банклари капиталига қўйилган талаблар.</li> <li>4.Капитални етарлилик кўрсатгичи ва замонавий шароитларда унга қўйиладиган янги талаблар.</li> <li>5.Тижорат банкларининг депозит маблағлари манбаи ва уни бошқаришнинг замонавий усллари.</li> <li>6.Депозит операцияларини ривожлантириш йўналишлари.</li> </ol>
<b>Ўқув машғулотининг мақсади:</b> Банкларнинг пассив операциялари ва уларни ташкил этиш тўғрисидаги янги билимларни ўзлаштириш.	
<b>Педагогик вазифалар:</b> - мавзу бўйича билимларни тизимлаштириш, мустаҳкамлаш. - дарслик билан ишлаш кўникмаларини ҳосил қилиш; - иқтисодий ахборотларни таҳлил қилиш кўникмаларини ривожлантириш	<b>Ўқув фаолиятининг натижалари:</b> Тингловчи: <ul style="list-style-type: none"> <li>• Банкларнинг молиявий маблағларини ташкил қилиш асосларини санаб беради ва изоҳлайди;</li> <li>• Банклар пассив операцияларига тушунча беради;</li> <li>• Банкларнинг ўз маблағлари ва жалб қилинган маблағлар тўғрисида тушунча беради ва уларни фарқлаб беради</li> <li>• Банкларда депозит операциялари ва нодепозит маблағлар тўғрисида фикр билдиради.</li> </ul>
<b>Таълим усуллари</b>	Блиц-сўров, биргаликда ўқиймиз, иқтисодий эссе, “кредит”, сўзига кластер, мунозара.
<b>Таълим воситалари</b>	Маъруза матни, ўқув қўлланмаси, проектор, флипчарт, маркер, доска.
<b>Таълим шакли</b>	Билимларни чуқурлаштириш ва кенгайтириш, индивидуал ва гуруҳ бўйича Таълим.
<b>Таълим шароитлари</b>	Компьютер технологиялари, проектор билан таъминланган, гуруҳда дарс ўтишга мослаштирилган аудитория.
<b>Мониторинг ва баҳолаш</b>	ёзма назорат, савол-жавобли сўров

Машғулотнинг технологик харитаси

Иш босқичлари ва вақти	Фаолиятнинг мазмуни	
	Таълим берувчи	Таълим олувчилар
1. Ўқув машғулотига кириш босқичи (10 дақиқа)	1.1. Маърузанинг мавзусини эълон қилади, ўқув машғулотининг мақсади ва натижа-ларини тушунтиради. 1.2. Машғулотни ўтказиш шакли ва баҳолаш мезонларини эълон қилади. 1.3. Тингловчиларни ақлий хужумга тортиш учун фаоллашти-рувчи саволлар беради. (1-Илова)	1.1. Эшитадилар, ёзадилар. 1.2. Эшитадилар. 1.3. Саволларга жавоб берадилар
2. Асосий босқич. (55 дақиқа)	2.1. Маъруза режасининг саволлари бўйича визуал материалларни босқичма-босқич намойиш қилади (Иловалар) ва фаоллаштирувчи савол-жавоб ўтказилади. Биринчи режа саволи бўйича: 1. Тижорат банкларининг маблағлари қандай шакллантирилади? Иккинчи режа саволи бўйича: 2. Банкларнинг пасив операциялари ва уларнинг қандай турларини биласиз? Жавобларни тўғрилайди ва хулосалайди.	2.1. Эшитадилар, ёзадилар, саволлар берадилар. 2.2. Саволларга жавоб берадилар
3. Якуний босқич. (15 дақиқа.)	3.1. Мавзу бўйича умумий хулоса қилади. 3.2. Тингловчиларнинг билим ва кўникмалари баҳоланади. 3.3. Ўтилган мавзуни мустақамлаш учун мустақил иш беради: (1). Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар беради (3-Илова). (2). “Мавзу бўйича меъёрий хужжатларни мустақил ўқиб келиш топширилади.	3.1. Эшитадилар 3.2. Топширикни ёзиб оладилар ва бажарадилар.

1-илова


**Фаоллаштирувчи саволлар**

1. Банкларнинг устав капитали қандай шакллантирилади?
2. Қандай банк молиявий маблағлари турларини биласиз?
3. Банкнинг асосий манбалари қайсилар


2-илова

Визуал материаллар

**1-савол.** Тижорат банкларининг маблағлари ва уларнинг таркибий тузилиши.







4-илова

## Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Банклар молияси нима?
2. Банкда қандай турдаги молиявий манбалар мавжуд?
3. Банкининг ўз маблағлари ва жалб қилинган маблағлари бир-биридан қандай фарқланади?

5-илова

Банк ресурсларини шакллантириш билан boglik булган операциялар банкларнинг пасив операциялари дейилади. Пасив операциялар ёрдамида тижорат банкларнинг пасив ва актив – пасив счегидаги пул маблағларининг салмоги ошиб боради.

6-илова

Банкларнинг пасив операциялари уларнинг фаолиятини ташкил этилишда катта рол уйнайди. Пасив операциялар ёрдамида тижорат банклари кредитлаш учун зарур булган кредит ресурсларини ташкил килади.


7-илова

Тижорат банклари пасив операцияларининг асосан туртта шакли мавжуд:  
Тижорат банклари кимматбахо коғозларини муомалага чиқариш йули билан ресурслар йигиш: Банк фойдаси ҳисобидан хар хил фондлар ташкил қилиш ёки фондлар суммасини ошириш: Бошка кредиторларнинг маблағларини жалб қилиш:  
Депозит операцияларни амалга ошириш:


8-илова

Банкнинг уз маблағлари таркиби


1. Акциядорлик капитали
2. Кушимча капитал
3. Захира капитали
4. Таксимланмаган фойда
5. Кайта баҳолаш ортиқчасидан иборат




10-илова.




11-илова.



12-илова.



13-илова



3-мавзу	Тижорат банкларининг актив операциялари. Кредит портфели, уни бошқариш ва баҳолаш
---------	-----------------------------------------------------------------------------------

Амалий машғулот таълим технологияси модели

<b>Вақти:</b> 2 соат	<b>Тингловчилар сони:</b> 10-15
<b>Ўқув машғулотининг шакли</b>	Билимларни чуқурлаштириш ва мустаҳкамлашга қаратилган амалий машғулот
<b>Амалий машғулот режаси</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Тижорат банкларининг актив операциялари ва уларни ривожланиши.</li> <li>• Банк активларнинг риск ва даромад даражаси бўйича тавсифи.</li> <li>• Банкларнинг кредит операциялари ва ундаги замонавий тенденциялар.</li> <li>• Тижорат банклари кредит портфели ва уни бошқариш билан боғлиқ муаммолар.</li> <li>• Тижорат банклари томонидан замонавий кредитлаштириш тизими.</li> </ul>
<b>Ўқув машғулотининг мақсади.</b> Банкларнинг актив операциялари ва уларнинг кредит операциялари тўғрисидаги билимларини мустаҳкамлаш ва чуқурлаштириш.	
<b>Педагогнинг вазифалари:</b> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Мавзунини ўзлаштириш бўйича рағбарлантиришни ташкил этиш;</li> <li>• Мавзу бўйича билимларни мустаҳкамлаш ва чуқурлаштириш;</li> <li>• Ўз қарашларини шакллантириш ва баён қилиш жараёнини ташкил этиш;</li> <li>• Гуруҳларда ишлаш қобилиятини ошириш</li> </ul>	<b>Ўқув фаолиятининг натижаси:</b> <b>Тингловчи:</b> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Тижорат банклари актив операцияларини айтиб беради;</li> <li>• Банк кредит операцияларини санаб беради;</li> <li>• Банк кредитлаш механизми ва унинг элементларини тушунтиради;</li> <li>• Тижорат банклари миқдорлари кредит олиш қобилиятини таҳлил қилиш тўғрисида маълумот беради;</li> <li>• Тижорат банкларнинг кредит сиёсатини ташкил этиш масалаларини баён қилади</li> <li>• Тижорат банклари ва уларнинг кредит портфелини баҳолаш тушунтириб беради .</li> </ul>
<b>Таълим усули</b>	Амалий машғулот, бир-бирдан ўрганиш усули; графикли органайзер
<b>Таълим воситалари</b>	Дарслик ва маърузалар матнлари, компьютер технологияси, слайдлардан фойдаланиш
<b>Таълим шакли</b>	Тақдимот, гуруҳларда жуфтлик ёки кичик гуруҳларга бўлиниб ишлаш.
<b>Таълим шароити</b>	Техник воситалар билан таъминланган, Таълим усуллари қўллаш мумкин бўлган ўқув хона.
<b>Мониторинг ва баҳолаш</b>	Кузатиш, оғзаки назорат, ёзма назорат, ўқув топширик, рейтинг назорати

Амалий машғулотнинг технологик харитаси

Иш босқичлари ва вақти	Фаолият тури	
	Таълим берувчи	Таълим олувчилар
1. Ўқув машғулотига кириш босқичи (5 дақиқа)	1.1. Мавзуни эълон қилади, ўқув Машғулотининг мақсади ва ўтказиш режасини баён қилади. Машғулотнинг гуруҳларда ишлаш технологияси билан ўтказилишини эълон қилади. 1.2. Мавзунинг асосий тушунчалари бўйича тезкор сўров ўтказди. «Нима учун банк фаолиятида банкларнинг актив операциялари муҳим аҳамиятга эга?» саволини беради. Бир-икки жавобларни эшитади. Машғулотнинг гуруҳларда давом этишини билдиради.	1.1. Эшитадилар ва ёзиб оладилар 1.2. Саволларга жавоб берадилар
2. Гуруҳлардаги фаолият (20 дақиқа)	2.1. Гуруҳ иши натижасига кўра ҳар бир қатношчи белгиланган баҳони олишини билдиради. Гуруҳ ишлари натижалари варақларда намойиш этилишини айтиб ўтади. Гуруҳни 2 та кичик гуруҳга бўлади. Ўқув масалаларини таркатади. (1-илова). 2.2. Қандай ўқув натижаларига эришишни Аниқлайди, баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичларини белгилайди. (2-илова) Гуруҳларда иш бошланганини эълон қилади.	2.1. Ўқув маълумотлари билан танишадилар 2.2. Вазифаларни бажарадилар
3. Тақдимот босқич (45 дақиқа)	3.1. Гуруҳларнинг тақдимотни ва баҳолашларини ташкил қилади. Белгиланган топшириқлар бўйича бажарилган ишларга эътиборини қаратади ва олинган маълумотларни умумлаштиради ва хулосаларни изоҳлайди.	3.1. Тақдимотда қатнашадилар, муҳокама қиладилар, баҳолайдилар
4. Якуний босқич. (10 дақиқа.)	4.1. Бажарилган ишлар бўйича хулоса қилади. 4.2. Мустақил бажариш учун «Банк тизими ва унинг элементлари» мазмунидаги чизма тайёрлаб келиш вазифасини беради.	4.1. Эшитадилар ва ёзиб оладилар

1-илова

Ўқув топшириқлари

1-топшириқ

1. Тижорат банклари актив операцияларини сананг ва уларга қисқача изоҳ беринг.

2-топшириқ

1. «Банк-мижоз» тизимини тушунтиринг ва унга мисоллар келтиринг.

3- топшириқ

1. Тижорат банклари кредит операциялари тўғрисида тушунчангизни баён қилинг

Гуруҳ ишларини баҳолаш жадвали

Гуруҳ	Жавобнинг тўлиқлиги, Аниқлиги ва тушунарлиги (мак 0,8)	Берилаётган маълумотнинг кўриниши (мак 0,5)	Гуруҳ аъзоларининг фаоллиги (мак 0,2)	Жами баллар
1				
2				
3				

Тест саволлари

**1.Кредит рестракцияси жара,нида**

- A. кредит ресурслариға булған талаб камаяди
- B. кредит ресурслариға булған талаб кучаяди
- C. пул массаси купаяди
- D. кимматбаҳо қоғозларнинг курси кутарилади

**2.Кредит ўкспансияси жара,нида**

- A. кимматбаҳо қоғозларнинг курси пасаяди
- B. кредит ўмиссиясининг микдори купаяди
- C. кредит ресурслариға булған талаб камаяди
- D. нотуғри жавоб йўқ

**3.Карздорнинг кредит олиш қобилияти куйидаги талабларга боглик:**

- A. Карздор томонидан чиқарилган акция дивиденди даражасига;
- B. Ссуда фоизи даражасига;
- C. Карздорнинг молиявий холатига;
- D. Карз олувчининг фаолият турига;

**4.Банкнинг энг рискли операциялари – бу:**

- A. Давлат кимматбаҳо қоғозларини сотиб олиш;
- B. Уз кимматбаҳо қоғозларини чиқариш;
- C. Кредит бериш;
- D. Инвестицияларни бошқариш;

**5.Тижорат банкларининг актив операцияларини бу:**

- A. Уз акцияларини чиқариш.
- B. Жамгармачиларга фоиз тулаш.
- C. Депозитларни қабул қилиш;
- D. Кредит маблағларини тарқатиш.

**6.Банк кредитлаш тамйиллари – бу:**

- A. Мақсадли, таъминланган, муддатли, тўловлилик, қайтариб бериш характери;
- B. маҳалий бошқарув фармойиши;
- C. Мақсадли, муддатли, тўловлилик, қайтариб бериш характери;
- D. Мақсадли, таъминланган, тўловлилик, қайтариб бериш характери;

**7.Банк мижозлари томонидан қиска муддатли кредитлар куйидагилар учун олинниши мумкин:**

- A. Оборот маблағларини шаклантиришга;
- B. Соликларни тулашга;
- C. Акция бўйича дивидендларни тулашга;
- D. Эски қарзларни ёпишга;

**Муҳокама қилиш учун саволлар**

1. Банкнинг факторинг операциялари моҳияти?
2. Мижознинг кредит олиш қобилияти қандай аниқланади?
3. Тижорат банкларини қандай кредит турларини биласиз,
4. Тижорат банклари активлари қандай гуруҳланади?

**Гуруҳ бўйича баҳолаш мезонлари**

Хар бир гуруҳ бошқа гуруҳларни баҳолайди. Хар бир талаб бўйича – 3,5 балл

Гуруҳ	Тушунарли ва аниқ жавоб (1,5)	Кўргазмалилик (1,0)	Регламентга амал қилиш (1,0)	Жами балл
1				
2				
3				

**“3x3 лойихаси” қондаси**

- Учта гуруҳ учта фикр
- Гуруҳларга уч хил савол ёзилган ватман қоғозлари тарқатилади.
- Хар бир гуруҳ ўз ватманига учтадан жавоб ёзади.
- Жавоблар қолади, гуруҳлар жой алмашади (3дан 1га; 1дан 2га; 2дан 3 га)
- Хар стол алмашганда учтадан жавоб ёзилади.
- Охирида жами 9 та жавоб тўпланади
- Мустақил равишда хар бир гуруҳ умумий таърифни келтиради ва жавобларни тақдим қилади

1. Ўзбекистон банк тизими активларининг ривожланиш йўллари ва ислохотлари
2. Ўзбекистон банк тизимида кредит операцияларини оширишдаги муаммолар Мавзуларида реферат ёзиш


**Топшириқ  
“Кластер”**

“Банк активлари” тушунчасига кластер тузинг

**Блиц-сўров учун саволлар**

- |                                                                                                                                                                                                                                                                                                     |
|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| <ol style="list-style-type: none"> <li>1. Ўзбекистонда кредит тизими қандай?</li> <li>2. Тижорат банклари билан микрокредит ташкилотларининг фарқларини тушунтириб беринг.</li> <li>3. Банк кредит функциялари нималардан иборат?</li> <li>4. Банк кредитларининг қандай турлари мавжуд?</li> </ol> |
|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|

**Венна диаграммаси**



**“Инсерт усули”**

**Инсерт** - самарали ўқиш ва фикрлаш учун белгилашнинг интерфаол тизими ҳисобланиб, мустақил ўқиб-ўрганишда ёрдам беради. Бунда маъруза мавзулари, китоб ва бошқа материаллар олдиндан тингловчига вазифа қилиб берилади. Уни ўқиб чиқиб, «V; +; -; ?» белгилари орқали ўз фикрини ифодалайди.

**Матнни белгилаш тизими**


- (v) - мен билган нарсани тасдиқлайди.
- (+) – янги маълумот.
- (-) – мен билган нарсага зид.
- (?) – мени ўйлантирди. Бу борада менга қўшимча маълумот зарур.

**Инсерт жадвали**

Тушунчалар	V	+	-	?
Банк кредити				
Банк актив операцияси				
Банк кредити тамойиллари				
Тижорат банклари кредити турлари				
Банк кредит портдели				

“Тижорат банкларида янги банк хизматларини жорий этиш олрқали кредит портфелини диверсификациялаш йўллари” мавзусида эссе ёзинг





Тижорат банкларининг асосий актив операцияси бу кредитлаш фаолиятидир. Кредит муносабатларининг субъектлар: хужалик органлари, ахоли давлат ва банкларнинг узидир.

Банк – тижорат корхонаси сифатида корхоналарга ва бошқа шахсларга жалб килган пул маблағларини уз номидан, уз rischi асосида даромад олиш макседида жойлаштиради.

## МАЪРУЗА МАТНИ

### 1-МАВЗУ. БАНК ТИЗИМИ ВА БАНК ФАОЛИЯТИ

#### Режа:

1. Миллий иқтисодиётни модернизациялаш шароитида тижорат банклари бозор инфратузилмасининг асосий тармоғи сифатида.
2. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида Ўзбекистон Республикасининг банк тизими ва унинг асосий операциялари.
3. Бозор иқтисодиёти шароитида пул маблағларини айланиши ва кредитлаштиришда банкнинг функциялари.
4. Тижорат банклари капиталига қўйилган талаблар.
5. Ўзбекистон республикаси Марказий банки томонидан тижорат банкларини назорат қилиш ва фаолиятини тартибга солиш инструментлари.
6. Тижорат банкларининг бугунги кундаги фаолиятини такомиллаштириш муаммолари.

**Таянч иборалар:** банк моҳияти, банк тизими, тижорат банки, Марказий банк, функция, лицензия, актив операциялар, пассив операциялар, ресурслар, валюта операциялари, корреспондент муносабатлар, маркетинг ва менежмент.

**1. Миллий иқтисодиётни модернизациялаш шароитида тижорат банклари бозор инфратузилмасининг асосий тармоғи сифатида.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгилаб берилган 2013 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифаларини амалга ошириш юзасидан кўрилган чора-тадбирлар натижасида иқтисодиётни барқарор, мувозанатли ва изчил ривожлантиришнинг белгиланган прогнозларига эришилди ҳамда макроиқтисодий кўрсаткичларнинг мутаносиблиги таъминланди.

Барча соҳаларда бўлгани каби молия бозорида, шу жумладан, банк секторида ўтказилаётган ислохотларда унда сезиларли силжишлар ва ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Бу ўзгаришлар мустақиллик йилларида жаҳон андозаларига мос келадиган банк тизимини босқичма босқич барпо этиш билан ҳамоҳанг тарзда давом эттирилмоқда.

Жаҳоннинг кўплаб мамлакатларини қамраб олган молиявий инқироз кўлами кенгаётганига қарамай, Ўзбекистон банк тизими ишончлилиги ва

барқарор ривожланаётгани, хорижий молиялаштириш манбаларига қарамлиги йўқлиги ва ташқи инқироз ҳолатларининг салбий таъсирига берилмаслик хусусиятлари билан ажралиб турди.

Президентимиз томонидан: “Ўтган йили банк тизимини ривожлантириш ва ислоҳ этиш масаласи ҳам эътиборимиз марказида бўлди. Банкларнинг ресурс базаси кенгайиб, мустақамланмоқда, улар томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифати яхшиланмоқда. 2013 йилда иқтисодийнинг реал секторига ажратилган кредитларнинг ялпи ҳажми 30 фоизга ошди.

Банк тизимининг ликвидлиги 65 фоиздан зиёд бўлиб, бу жаҳон амалиётида умумий тарзда қабул қилинган, «юқори» деб аталадиган кўрсаткичдан 2,2 баробар ортиқдир. Кредит портфели жами маблағларининг 80 фоизга яқини ички манбалар улушига тўғри келмоқда.

Айниқса, банк хизматларидан фойдаланиш даражасини алоҳида эътироф этиш ўринлидир.” деб таъкидлаган эдилар.

Бугунги кунда халқаро миқёсда молия бозорларини пул ресурслари билан зўр бериб тўлдириш давом этаётгани фонд ва хом ашё бозорларида сунъий равишда ошириб борилган спекулятив нархларнинг янада кўтарилиб кетишига, таъбир жоиз бўлса, молиявий кўпикларнинг баттар авж олишига, инфляциянинг жиловлаб бўлмас даражада ўсиш хавфининг кучайишига олиб келмоқда.

Шунинг учун ҳам банк тизими ҳар доим ҳам ҳукумат эътиборидаги масала бўлиб қолмоқда. Ҳар йили бўладиган мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва кейинги йилларга мўлжаллаган иқтисодий дастурига бағишланган мажлислардаги Президент маърузаларида бунга алоҳида эътибор қаратилмоқда ва банк тизимини янада ривожлантириши йўллари белгилаб берилмоқда.

Ҳисобот даврида Марказий банкнинг пул-кредит сиёсати 2013 йил учун мўлжалланган макроиқтисодий кўрсаткичларнинг бажарилишига қаратилди.

Жаҳон миқёсида конвертация қилинадиган асосий валюталарнинг беқарорлиги жиддий хавотир уйғотмасдан қолмайди. Бу, биринчи навбатда, ривожланаётган мамлакатларнинг ушбу валюталарга бўлган ишончига жиддий путур етказмоқда.

Мана бу рақамларга алоҳида эътиборингизни жалб этмоқчиман. Ўтган йил яқунларига кўра, ташқи давлат қарзи ялпи ички маҳсулотга нисбатан 17 фоизни, экспорт ҳажмига нисбатан қарийб 60 фоизни ташкил этди. Бу авваламбор хорижий инвестициялар ва умуман, четдан қарз олиш масаласига чуқур ва ҳар томонлама пухта ўйлаб ёндашиш натижасидир.

Буларнинг барчаси мустақиллигимизнинг илк йилларидан бошлаб ҳам давлат, ҳам тижорат банклари, компания ва корхоналар миқёсида ҳар

томонлама пухта ўйланган четдан қарз олиш сиёсатини амалга ошириб келаётганимиз билан боғлиқ эканини, ўйлайманки, тушуниш, англаш қийин эмас.

## **2. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида Ўзбекистон Республикасининг банк тизими ва унинг асосий операциялари.**

Республика Марказий банкида банк тизимининг 2013 йилдаги фаолияти яқунлари ҳамда мамлакатимиз Президенти И.Каримов томонидан Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 18 январдаги мажлисида белгилаб берилган 2014 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларини сўзсиз амалга оширилишини таъминлашга доир вазифаларнинг ижросига бағишланган кенгайтирилган Бошқарув мажлиси бўлиб ўтди.

Тижорат банкларининг иқтисодий роли унинг фаолият доирасининг кенг бўлишига олиб келади.

Тижорат банклари қуйидаги операцияларни бажаради:

- вақтинча бўш турган пул маблағларни йиғиш ва уларни капиталга айлантириш;
- корхона, ташкилотлар ва аҳолини кредитлаш;
- муомалага кредит пуллар (муомаланинг кредит воситалари) ни чиқариш;
- иқтисодиётда ҳисоб-китоблар ва тўловларни амалга ошириш;
- молия-валюта бозорида фаолият кўрсатиш;
- иқтисодий-молиявий ахборотлар бериш ва маслаҳат хизматларини кўрсатиш.

Тижорат банки шунингдек қуйидаги операцияларни амалга оширади:

1. Мижозларнинг ҳисоб варақларини олиб боради;
2. Мижозларга касса хизмати кўрсатади;
3. Мижознинг топшириғига биноан нақд пулсиз ҳисоб-китобларни бажаради;
4. Қисқа еки узоқ муддатли кредитлар беради;
5. Шартнома еки пуллик асосида буюртмачининг топшириғига биноан капитал қўйилмаларни маблағ билан таъминлайди;
6. Бўш пул маблағлари - депозитларини муомалага жалб қилади;
7. Аҳолидан омонотларни қабул қилади;
8. Факторинг операцияларини;
9. Лизинг операцияларини;
10. Тижорат банки давлатнинг ҳамда бошқа ташкилотларнинг қимматли қоғозларини харид қилади ва сотади;

11. Хорижий валюта ва қимматбаҳо металлларни харид қилади ва сотади;
12. Ўз миждозлари учун кафолат ва мажбуриятлар беради;
13. Бюджетнинг касса ижросини;
14. Банк операциялари бўйича маслахатлар беради

### **3.Бозор иқтисодиёти шароитида пул маблағларини айланиши ва кредитлаштиришда банкнинг функциялари.**

Тижорат банклари ўз фаолияти билан бозор иқтисодиёти талабларига мос равишда ишлай оладиган ташкилотларни ўз вақтида маблағ билан қўллаш ва бундай ташкилотларни аниқлаш каби муҳим бир вазифани амалга оширмоқда. Тижорат банклари кредитлаш жараёнлари орқали мамлакат иқтисодининг ривожланишига ҳам жуда катта ҳисса қўшмоқда. (жадвал 1).

Тижорат банкларининг яна бир муҳим функциясидан бири бу ҳисоб тўловларини амалга ошириш функциясидир. Бугунги кунда корхона ва хўжаликларни ўртасидаги ҳисоб–китобларнинг асосий қисми пул ўтказиш йўли билан амалга оширилмоқда. Бу жараёнларда тижорат банки воситачи сифатида тўловлар ўтказиш жараёнини бажармоқда.

Тўлов ҳужжатларининг ўз вақтида ўтиши ҳамда ҳисоб- китоб жараёнларининг узлуксизлигини таъминлаш зарурияти бугунги кунда банклардан ҳисоб-китобларни ташкил қилиш ва назорат қилишнинг мукамал методларини ишлаб чиқишни талаб этмоқда.

Ҳисоб-китобларни тезлаштириш жараёнларни ишончлигини таъминлаш ҳамда бу жараёнлар билан боғлиқ харажатларни камайтириш мақсадида тижорат банклари бугунги кунда компьютер техникаси билан жиҳозланган. Бундан ташқари мамлакат бўйича жойлаштирилган филиаллар ердамида тўловлар жараёни янада тезлаштиришга эришилмоқда. Банкнинг бўлимлари тармоғи барпо этилиши камида учта асосий вазифани кўзлайди:

- Умуман мамлакат иқтисодиёти манфаатлари;
- Банк ўз инфраструктурасини ривожлантириш;
- Банкнинг энг катта миждозлари манфаатларини назарда тутиш.

Тижорат банклари тўловларни амалга ошириш функцияси орқали бугунги кунда юридик шахсларнинг давлат бюджетига бўлган мажбуриятлари назорат қилинмоқда.

Айни пайтда банк тизимининг умумий активлари ҳажми аҳоли ва юридик шахсларнинг ҳисобварақларидаги маблағлар миқдоридан 2,2 баробардан ҳам ортиқ бўлиб, бу депозитларни ишончли ҳимоя қилиш ҳамда уларга ўз вақтида ва тўла ҳажмда хизмат кўрсатишни кафолатлайди.

### **4.Тижорат банклари капиталига қўйилган талаблар.**

2013 йилда мамлакатимиз банк тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш, унинг барқарорлиги ва ликвидлигини мустаҳкамлашга қаратилган аниқ мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилди.


Ўтган йили тижорат банкларининг жами капитали 25 фоизга, 2000 йилга нисбатан эса 46 баробардан зиёд кўпайди. Натижада бугунги кунда банкларимиз капиталининг етарлилик даражаси 24,3 фоизни ташкил этмоқда, бу эса банк назорати бўйича Базель кўмитаси томонидан 8 фоиз этиб белгиланган талабдан уч баробар кўпдир.

Банк тизимининг ликвидлиги 65 фоиздан зиёд бўлиб, бу жаҳон амалиётида умумий тарзда қабул қилинган, «юқори» деб аталадиган кўрсаткичдан 2,2 баробар ортиқдир. Кредит портфели жами маблағларининг 80 фоизга яқини ички манбалар улушига тўғри келмоқда.

Айниқса, банк хизматларидан фойдаланиш даражасини алоҳида эътироф этиш ўринлидир. Масалан, юртимизда ҳар юз минг катта ёшдаги аҳолига 49,7 та банк муассасаси тўғри келаётгани, ҳар минг киши номига 1 минг 28 та банк ҳисобрақами очилгани халқаро нормалар бўйича «юқори» деган баҳо кўрсаткичига мос келади.

Шу ўринда мамлакатимиздаги деярли барча тижорат банклари етакчи халқаро рейтинг агентликлари томонидан бериладиган «барқарор» рейтинг даражасини олишга эришганини мамнуният билан қайд этишни истардим.

Ҳисобот йилида тижорат банкларининг жами капитали ўтган йилга нисбатан 30 фоиз ошиб, 2012 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра 5,3 трлн. сўмни ташкил этди.



Бугунги кунда, мамлакатимиз банк тизими халқаро стандартларга тўлиқ жавоб берадиган энг барқарор тизим бўлиб қолмоқда.

Шунингдек, барча тижорат банклари раҳбарлари зиммасига 2014 йил - “Соғлом бола йили” бўйича кенг кўламли давлат дастурини қабул қилиниши

муносабати билан унда белгиланган вазифаларнинг оғишмай бажарилишини таъминлаш вазифаси юклатилган.

Ўзбекистон Республикасининг "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида", "Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида", "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунларига ҳамда бошқа қонунлар ва қонун ҳужжатларига мувофиқ тижорат банклари устав капитали миқдори, акциядорлар таркиби, банк номи ва манзилининг ўзгариши, тижорат банки уставига киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчаларни рўйхатга олиш тартиби белгилаб қўйилган.

Устав капитали - акциядорлар томонидан тўланган барча акцияларнинг номинал қийматидан иборатдир.

Эълон қилинган акциялар - банк томонидан устав капиталига қўшимча равишда чиқарилиши мумкин бўлган акциялар умумий суммаси, уларнинг номинал қиймати банк устав капиталига киритилмайди.

Тижорат банки уставига киритиладиган барча ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида рўйхатга олиниши лозим.

Банк уставига киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар улар Марказий банкда рўйхатга олинган санадан бошлаб кучга киради. Банк уставига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар рўйхатдан ўтказилгач унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

Маблағларни жалб қилишда банкларнинг имкониятлари Республика Марказий Банки томонидан бошқарилади ва ҳозирги кунда банкларнинг хусусий капиталларининг ҳажми ҳамда уларнинг ташкилий - ҳуқуқий шаклларида келиб чиққан ҳолда банкларнинг имкониятлари аниқланади:

- тижорат банклари учун жалб қилинган маблағлар ҳажми банкларнинг хусусий капиталидан 25 мартадан ошмаслиги лозим;
- епиқ турдаги акциядорлик жамияти кўринишида барпо этилган банклар учун – 20 баробардан ортмаслиги лозим;
- очик турдаги акционер жамияти кўринишида барпо этилган банклар учун 10 баробардан ортмаслиги лозим.

Банкларнинг капиталлашув даражасини оширишда ҳам муайян ишлар амалга оширилди. Жумладан, тижорат банклари устав капиталларининг энг кам миқдорини 2011 йилнинг 1 январидан барча янги очилаётган тижорат банклари учун 10 млн. евро эквивалентига, янги очилаётган хусусий тижорат банклари учун эса 5 млн. евро эквивалентига етказиш тартиби белгиланди. Фаолият юритаётган банклар учун эса устав капитали миқдори уларнинг рискка тортилган активларга нисбатан 10 фоиздан кам бўлмаслиги керак.

**5. Ўзбекистон республикаси Марказий банки томонидан тижорат банкларини назорат қилиш ва фаолиятини тартибга солиш инструментлари.**

Пул-кредит сиёсатининг умумий усулларига:

- Марказий банкнинг ҳисобга олиш сиёсати ёки фоиз ставкаларини тартибга солиш сиёсати;

- очик бозордаги операциялар, ёки давлат қимматбаҳо-қоғозларини сотиб олиш ва сотиш;

- мажбурий заҳира нормаларини ўзгартиришлар киради.

Ҳисобга олиш сиёсати Марказий банкнинг тижорат банклари учун охириги навбатдаги заҳираси сифатида кредиторига аяланиши билан боғлиқ.

Мажбурий заҳира нормаларини тартибга солиш бу ҳукумат талаби асосида тижорат банкларининг белгиланган миқдоридаги пул маблағларини Марказий банкдаги фоизсиз ҳисоб варағига ўтказилишидир.

Очик бозордаги операциялар-бу марказий банкнинг тижорат ва газна облигациялари ва бошқа қимматбаҳо қоғозларни бозор курси ёки олдиндан элон қилинган курс бўйича сотиб олиш ва сотиш, ҳамда қайта келишувларидир.

Марказий банкнинг пул-кредит сиёсати сэлеक्टив усулларига:

- лимитлар, квоталар урнатиш орқали кредит миқдорини ёки векселларини ҳисобга олишни тўғридан-тўғри қисқартиришдир;

- кредит операцияларини ўсиш даражасини пасайтириш;

- алоҳида олинган турдаги кредитлар устидан назоратни урнатиш, исмол кредити устидан;

- алоҳида олинган жамғармаларга юқори фоизларни ўрнатиш ёки умуман фоиз ставкаларини тартибга солиш ва бошқалардир.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари Марказий банкдан лицензияни олгандан сўнгина давлат қимматбаҳо-қоғозлари билан операцияларни амалга оширилиши мумкин. Марказий банк-банк тизими мавжуд бўлган барча давлатлар пул-кредит тизимининг асосини ташкил қилади. Марказий банкнинг молия бозоридаги ўрни мамлакатда бозор муносабатларининг ривожланиш даражасига ва хусусиятига боғлиқ.

Бу эса ўз навбатида икки погонали банк тизимини шаклланишига асосий омил бўлиб ҳисобланади. Чунки бунинг тепасида Марказий банк бўлади.

Кредит молия-тизимининг барқарорлигининг тامينлаш, унинг алоҳида бўғинларининг биринчи навбатда тижорат банклари фаолиятини барқарорлигини тامينлаш мамлакат марказий банкнинг асосий вазифаси ҳисобланади. Марказий банкнинг яна бир асосий вазифаларидан кредит



органларини (тизимини) фаолиятини тартибга солиш ва умумлаштиришдан иборатдир.

Марказий банкларга давлат вақили сифатида қонуний тарзда банкнотларни монопол равишда эмиссия қилиш бириктирилган, яни умуммиллий кредит пулларини босиб чиқариш юклатилган. Такидлаш керакки, саноати ривожланган мамлакатларда банкноталар пул массасининг сезиларсиз қисмини ташкил этади, шунинг учун Марказий банкнинг монопол эмиссия функцияси бирмунча пасайтирилган. Бироқ банкноталарни чиқариш функцияси мамлакатдаги пул захираларини ташкил қилувчи, чакана пул муомаласини нақд банкноталар билан тامينлаш ва кредит тизимини ликвидлилигини тامينлаш воситаси ҳисобланади. Бу функциялар нақд пул муомаласи улуши сезиларли бўлган мамлакатларда катта аҳамиятга эгадир.

Марказий банк бевосита тадбиркорлар ва аҳоли билан ҳеч қандай фаолият олиб бормайди. Унинг асосий мижозлари бўлиб тижорат банклари ҳисобланади. Тижорат банклари Иқтисодиёт ва Марказий банк орасида (ўртасида) воситачи сифатида фаолият кўрсатадилар. Марказий банклар банки сифатида тижорат банкларининг захираларини сақлайди, жумладан, мажбурий заҳира талаблари шаклидаги пул маблағларини сақлайди, уларнинг кредиторлари сифатида иштирок этади, тижорат банкларининг Марказий банкда очадиган ҳисоб варақлари орқали (Ўзбекистон Республикаси- ҳисоб-касса маркази) мамлакат миқёсида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга оширадилар; банклар ва бошқа кредит институтлари устидан назоратни олиб борадилар.

Шундай қилиб пул-кредит сиёсати муомаладаги пул маблағлари миқдорини, банк кредитлари ҳажмини, фоиз ставкаларини, валюта курсларини, тўлов балансини ва ўз навбатида бевосита мамлакат иқтисодиёти ҳолатини ўзгартириш учун йўналтирилган тадбирлар мажмуасидир.

### **6.Тижорат банкларининг бугунги кундаги фаолиятини такомиллаштириш муаммолари.**

Жаҳон банклари иш фаолиятида ахборотларни сотиш ва молиявий маслаҳатлар каби хизматлар ҳам кенг ўрин олган. Бизнинг олдимизда турган масалалардан бири ҳам бу соҳани ўрганишдир.

Янги иқтисодий шароит ўз навбатида тижорат банкларининг ривожланишини улар кўрсатаётган хизматларга ва бу хизматларнинг қай даражада ташкил қилинганлиги бўлади. Чунки ишлаб чиқаришдаги каби банк соҳасида ҳам рақобат эртами-кечми ўз ишини бажаради.

Бозор иқтисодиёти шароитида барқарор ва самарали ишловчи банк тизимини яратиш мустақилликнинг биринчи кунларидан Ўзбекистонда юритилаётган иқтисодий сиёсатнинг энг муҳим йўналишларидан бири бўлди.

Бугунги кунда республика Ҳукумати ва Марказий банки мамлакатнинг мустақил банк соҳасини шакллантиришдек мураккаб вазифани муваффақият билан бажарганлигини мамнуният кайд этишимиз мумкин.

Банк тизимида юзага келаётган ҳолатлар, бугунги кунда банк менежменти ва маркетингини янада ривожлантиришни талаб қилмоқда. Банклар сонини кўпайиши бу рақобатнинг кучайишидир.

Бозор муносабатлари шароитида хўжалик юритишнинг юксак даромадларига эришилишини таъминловчи самарали йўсинлари ва услубларини излаш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Бу мақсадга эришувда ишлаб чиқаришни бошқариш услублари ҳамда воситаларни такомиллаштира боришга алоҳида рол ажратилади.

Биринчидан, бу ўзгаришлар тўловларнинг янги интеграция воситаларини юқори суръатлар билан шакллантирадиган банк операцияларини компютерлаштиришнинг технологик инқилоби билан боғлиқ. Бу жараёнлар талайгина молиявий харажатлар талаб қилади, банк иши қимматлашади, бироқ унинг самарадорлиги ва унинг тезкорлиги ошади, бу эса харажатлар ўсишини қоплайди.

Иккинчидан, банк ишида ўсиб бораётган рақобат банкларнинг кўшилиб кетишига олиб келади, бу эса сармоялар бозорида ва иқтисоднинг инвестициялар соҳасида янги шароитларни вужудга келтиради. Ўзбекистоннинг банк тизими унга кам қувватли талай банклар кирганлиги сабабли, яқин вақт ичида бу таъмойилнинг таъсирини бошдан кечиради. Бу ходисага республика банк хизмати бозорида анчагина рақобатбардош ва самарали бўлган чет эл банкларининг пайдо бўлиши ҳам ёрдам беради.

Учинчидан, бу анъанавий банк хизматлари бозорига тобора шахдам одимлар билан кириб келаётган банкдан ташқари тузилмалар билан рақобатнинг кучайиши. Жумладан, аҳолига кредит карточкалари билан хизмат кўрсатиш соҳасида турли хилдаги тижорат тўзилмалари фаолият кўрсата бошлайдилар.

Тўртинчидан, банк ишларига бу хизматларнинг кўп сонли истъеъмолчилари таъсири ортади. Истъеъмолчи операцияларининг тезлиги ва сифати, ҳисоб-китобларнинг қўлайлиги, мижозларнинг эҳтиёжларига ўтказиш-эътибор қаратилишига нисбатан банкларга тобора қаттиқ талаблар бошлайди. Банк тизими ҳозир хал қилиниши қийин бўлган дилемманинг кескинлашуви шароитида турибди. қўйилмаларни жалб қилишда банклар

экспансияси ва омонатчиларни зарарлардан кафолатлаш ўртасида асосий мувозанатсизлик мавжуд.

Электрон тижоратни ривожлантириш бўйича чора-тадбирларни жорий этиш муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирги пайтда мамлакатимизда 10 миллиондан зиёд пластик карточка муомалага чиқарилган бўлиб, уларнинг қарийб 2 миллион 500 мингтаси онлайн карточкалардир. Бугунги кунда телекоммуникация ва коммунал хизматлар учун тўловларни Интернет орқали тўлаш мумкин. Энг қисқа муддатларда бу борадаги ғов ва тўсиқларни бартараф этиш, ушбу соҳани янада ривожлантириш керак.

Бу вазифаларнинг барчаси банк менежменти билан боғлиқдир.

Менежмент - ташкил этиш ва бошқаришнинг тизимини тўғрироқ олиб бориши ҳақидаги илмий билимдир. Менежмент тушунчаси ва унинг иқтисодий моҳияти турлича тушунилади. қисқа маънода менежмент сўзи - жамоани ташкил қилиш ва бошқариш билан боғлиқ бўлса, кенг маънода менежмент - банк фаолиятини ва унинг ишчиларини шакллантиришни бошқариш тушунилади.

Буларнинг барчаси банк менежментига ҳам бевосита боғлиқ ва таалуқлидир. Лекин банк менежментининг икки томони мавжуддир. Чунки банк иқтисодчи корхона менежменти ҳолатига банк мижозларига ҳамда банк менежментига ҳам эътибор беришлари зарур.

Шу билан банк менежментининг яна бир хусусияти банк бизнес хусусиятига бевосита боғлиқдир. Банк бизнеси бошқа тармоқларга караганда унинг фарқи махсус «товар» «пул» билан фаолият кўрсатишидир. Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда банк менежментининг ўзига хос хусусиятларни ва мақсадларини кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Бу хусусиятларга:

-пул бозори шароитида хўжалик субъекти сифатида банк ишини рентабеллигини таъминлаш;

-кредитор ва жамгармачилар кизиқишини таъминлаш мақсадида, банкни ишончли шерик сифатида унинг баланси ликвидитлигини таъминлаш;

-банк мижозларига кўрсатилаётган хизматларини хажми, тури, сифатини яхшилаган ҳолда улар орасидаги алоқаларни доимийлигини таъминлаш учун мижозлар талабларини максимал қондириш;

-жамоанинг ишлаб чиқариш, тижорат ҳамда ижтимоий муаммоларни биргаликда ҳисобга олган ҳолда хал қилиш;

-мутахассисларнинг потенциалидан тўларок фойда олиш мақсадида уларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларни жойларига қўйиш.

Банкнинг ўз маркетинг хизматини олиб бориши бир неча усулларига эга. Буларнинг энг биринчиси ҳамда оддийси - мижозлар билан олиб бориладиган

бевосита олиб борадиган мулоқатидир. Мижозни ҳам банк ишчисини моддий томонидан рағбатлантирилиши бу вазифани хал қилишнинг асосий мезонларидан биридир.

### Такрорлаш саволлари:

1. «Банк» тушунчаси ва унинг иқтисодий моҳияти.
2. Банклар - хўжалик юритувчи корхона сифатида.
3. Бозор иқтисодиётида кредитнинг ижтимоий функциялари хусусиятлари.
4. Банк акционер ташкилоти сифатида.
5. Ўзбекистон тижорат банкларида менежментни ривожлантириш.
6. Ўзбекистон Республикаси банк тизими ҳолати ва ривожланиш истиқболлари.
7. Банкларнинг операциялари ва уларнинг тузилиши.
8. Аҳоли пул даромадлари ва харажатларини муозанатлаштириш муаммолари.

## **2-МАВЗУ. БАНК РЕСУРСЛАРИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ, БАНКЛАРНИНГ ПАССИВ ОПЕРАЦИЯЛАРИ, БАНКЛАРНИНГ КРЕДИТ ПОТЕНЦИАЛИ**

### **Режа:**

- 1. Тижорат банкларининг маблағлари ва уларнинг таркибий тузилиши.**
- 2. Банкларнинг пассив операциялари ва ундаги замонавий тенденциялар.**
- 3. Марказий банк томонидан тижорат банклари капиталига қўйилган талаблар.**
- 4. Капитални етарлилик кўрсатгичи ва замонавий шароитларда унга қўйиладиган янги талаблар.**
- 5. Тижорат банкларининг депозит маблағлари манбаи ва уни бошқаришнинг замонавий усуллари.**
- 6. Депозит операцияларини ривожлантириш йўналишлари.**

**Таянч иборалар:** *пассив, капитал, жалб қилинган маблағлар, акция, мажбуриятлар, депозит, пластик карточкалар, нодепозит маблағлар, фоизлар, устав фонди, даромад.*

### **1.Тижорат банкларининг маблағлари ва уларнинг таркибий тузилиши.**

Жаҳоннинг кўплаб мамлакатларини қамраб олган молиявий инқироз кўлами кенгаётганига қарамай, Ўзбекистон банк тизими ишончлилиги ва барқарор ривожланаётгани, хорижий молиялаштириш манбаларига қарамлиги йўқлиги ва ташқи инқироз ҳолатларининг салбий таъсирига берилмаслик хусусиятлари билан ажралиб турди.

Ўтган йили банк тизимини ривожлантириш ва ислоҳ этиш масаласи ҳам эътиборимиз марказида бўлди. Банкларнинг ресурс базаси кенгайиб, мустаҳкамланмоқда, улар томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифати яхшиланмоқда. 2013 йилда иқтисодиётнинг реал секторига ажратилган кредитларнинг ялпи ҳажми 30 фоизга ошди.

Ўтган йили тижорат банкларининг жами капитали 25 фоизга, 2000 йилга нисбатан эса 46 баробардан зиёд кўпайди. Натижада бугунги кунда

банкларимиз капиталининг етарлилик даражаси 24,3 фоизни ташкил этмоқда, бу эса банк назорати бўйича Базель қўмитаси томонидан 8 фоиз этиб белгиланган талабдан уч баробар кўпдир.

Шу маънода, 2011-йилда депозитларга 18 триллион сўмдан ортиқ, ўтган йилга нисбатан 36,3 фоиз кўп маблағ жалб қилинган, жумладан, аҳоли депозитлари 38,8 фоизга ошгани айниқса эътиборлидир.

Ресурс - французча «ressourse». сўздан олинган бўлиб, пул маблағлари, ёрдамчи маблағ, имконият, захира, маблағ ва имкониятлар манбаи, даромадлар манбаи, хом-ашё деган маъноларни ўзида мужассамлаштиради.

Иқтисодий манбаларда «ресурс» сўзи турли хил маъноларда, яъни, табиат ресурслари, молиявий ресурслар, иқтисодий ресурслар, инсон ресурслари ва бошқа кўринишларда тез-тез учраб туради. Иқтисодий ресурслар асосий қисми, бу молиявий ресурслар бўлиб, бу ресурслар иқтисодиётнинг ривожланишини таъминлаш учун фойдаланиладиган пул-кредит ва бюджет маблағларини ташкил қилади.

Бизнинг фикримизча, банк пасивлари банк ресурсларини ташкил қилиш манбаи бўлиб, уларнинг ҳажми бир неча омилларга боғлиқ:


- банкларнинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган фаолияти;
- пул-кредит сиёсатини бошқариш соҳасидаги Марказий банкнинг сиёсати;
- банкнинг жалб қилинган маблағлари ва уларнинг таркиби;
- тижорат банки томонидан Марказий банкка ўтказиладиган мажбурий захира миқдори;
- бошқа пасивлар.

Иқтисодий манбаларда ва банк маблағларининг шаклланиши бўйича олиб борилган тадқиқотларда «банк ресурслари», «кредит ресурслари», «депозит ресурслари», «банк пасивлари» каби тушунчаларни учратишимиз мумкин ва бу тушунчаларга муаллифлар ўзларининг турлича таърифлари орқали изоҳ берганларининг шоҳиди бўламиз.

Ўтиш иқтисодиётини бошидан кечираётган деярли барча мамлакатларда тижорат банклари ресурсларини шакллантириш тизимида тубдан ўзгаришлар бўлди. Бу ўзгаришларнинг бўлишига қуйидаги омиллар таъсир кўрсатади. Булар:

**1-схема**

Тижорат банклари ресурсларининг шаклланиш жиҳатдан таркибий таснифи<sup>1</sup>



<sup>1</sup> Муаллиф томонидан тузилган.

## **2. Банкларнинг пассив операциялари ва ундаги замонавий тенденциялар.**

Банк тизими фаолияти давлатнинг иқтисодий ҳолати билан узвий ҳолда боғлиқ ва унга ўзига яраша таъсир кўрсатади, айниқса хозирги бозор иқтисодига ўтиш шароитида, мамлакатдаги молия – кредит тизимининг ташкил этилганлиги, иқтисодий сиклларнинг барқарорлигини банк фаолияти кўрсаткичлари орқали қисман бўлса ҳам кўриш мумкин. Банкларнинг иқтисодий фаолиятидан келиб чиқадиган бўлсак банк фаолиятида ҳам ўзига яраша эҳтиёжлар ва талаблар мавжуд. Ушбу бобда банк фаолияти юритиш учун зарур бўлган «ресурслар» тушунчаси ва уларнинг таркиби ҳамда моҳияти билан танишамиз. Банклар фаолияти ҳам бошқа хўжалик юритувчи субъектлар сингари ўз фаолиятини олиб бориши учун етарли даражада пул ва молиявий ресурслари билан таъминлаган бўлиши керак, чунки уларнинг асосий тақлиф этадиган ва кўрсатадиган хизматлари ҳам пул маблағлари ёки молиявий ресурсларда ташкил топади.

Банк ресурсларини шакллантириш жараёни бу фақатгина янги мижозларни банкга жалб қилишнинг ўзи эмас балки банк маблағлари тузилишининг доимий равишда ўзгариб туриши ва таркибидаги пассивларнинг ҳолатига қараб ўз активларини бошқариши ҳам тушунилади. Бунинг учун эса самарали пассивларни бошқариш тизими ёки самарали депозит сиёсатини юритилишини талаб этилади. Мижозлар олдидаги талабни доимий қондириш ҳамда барқарор ҳолатни сақлаб қолиш учун банклар керакли даражада ликвидлик талабларни бажариши керак. Бугунги кунда Марказий банк талабларидан ҳамда ўзининг ички фаолиятидан келиб чиқиб ликвидлик нормалари белгиланган. Ликвидлик нормасини кўрсак, бугунги кунда у барча талаб қилиб олгунча депозитларга нисбатан 30% кам бўлмаган миқдорда маблағларни ликвид ҳолда ушлаб туриши шарт.

Ресурсларнинг чегараланганлиги бу банкларнинг ривожланаётганлигини ва банкнинг мижозларга боғланиб қолишини ҳамда банклар ўртасида мижозлар учун кучли рақобат муҳити юзага келаётганлигини кўрмоқдамиз. Шунинг учун банк ресурсларини барқарорлигини таъминлаш учун аниқ стратегик режалар билан асосланган депозит сиёсати юритиши асосида депозит портфелининг диверсификацияланганлиги ҳамда юритилаётган депозит сиёсатининг самаралилигига эришиш лозим.

Банкнинг депозит сиёсати ўз ичига ҳамма ижтимоий даражадаги шахслар – нафақахўрлар, ёшлар ва ёши катталар ҳамда кам таъминланганлар ва кам даромадлиларнинг ҳам ҳисобини олишлари керак.



Ҳар бир миждоз билан иложи борича узоқ муддатли алоқаларни йўлга қўйиши керак ва бунинг учун миждозларнинг талабларини олдиндан билишлари ҳамда улар учун керакли хизмат турларини ўз вақтида беришлари керак.

Аҳолининг реал пул даромадларини ўсиши ицъемол талабини кўпайишига ва чакана савдо оборотига иждобий таъсир кўрсатмоқда. Шу билан бирга банк тизимига ишонч ортиши ташқилланган жамғармалар ўсишини рағбатлантирди. Бу омиллар банкларнинг депозит операцияларини кенгайтиришга ва банкларнинг бу борадаги хизматлари доирасини янада ривожлантириш цратегиясини ишлаб чиқишларига маждбур этмоқда. Чунки банкларнинг фақатгина чакана хизматлари эвазига уларнинг 20 фоиздан ортик ресурслари шаклланади.

Юқорида кўриб ўтилганлар шуни кўрсатадики, банк ресурсларининг шаклланиши ва уларни барқарорлигини таъминлашда қуйидагилар асосий бўлиб қолмоқда:

- Бугунги кунда банкларнинг асосий маблағлари ўсиши акциядорларни жалб қилиш ва уларнинг маблағларини жойлаштириш ҳамда олинган даромадлардан ажратмалар ажратиш, захира фондлар яратиш ва мақсадли захиралар тузиш орқали амалга оширилмоқда.

- Банкнинг пассив операцияларини юритиш орқали, яъни депозитларга жалб қилиш, юридик ва жисмоний шахсларнинг талаб қилиб олгунча ва жамғарма, муддатли омонатларига, вақтинча ёки талаб қилиб олгунча шартлари бўйича жойлаштириш орқали олиб борилмоқда.

Банкнинг ўз капитали банк фаолиятининг асосини ташқил этувчи ҳамда банк пассивларининг муҳим манбааларидан ҳисобланади.

Жалб қилинган ва сотиб олган маблағлар ёки қарзга олинган маблағлар банк пассивларининг катта қисмини ташқил этувчи ҳамда тижорат банкнинг воситачи ташқилот эканлигини, яъни вақтинча бўш маблағларни жалб қилиб бошқа миждозларни талабларини қондирувчи эканлини тавсифлайди.

### **3.Марказий банк томонидан тижорат банклари капиталига қўйилган талаблар.**

Устав капиталининг миқдори, уни шакллантириш тартиби ва унга ўзгартиришлар киритиш банкнинг Низомида белгиланган бўлади. Устав капиталини ошириш янги акцияларни муомалага чиқариш, ёхуд соф фойдани капитализация қилиш орқали амалга оширилиши мумкин. Устав капиталдаги ўзгаришлар акциядорларнинг умумий йиғилишининг қарори билан тасдиқланиши ва Марказий банк рўйхатидан ўтиши керак. ( чизма).

Тижорат корхоналарининг бир тури сифатида банк муассасаларининг ўзига хос хусусиятлари шундан иборатки, уларнинг ресурслари асосан қарзга олинган маблағлар ҳисобидан ҳосил қилинади. Маблағларни жалб қилишда банкларнинг имкониятлари Республика Марказий Банки томонидан бошқарилади ва ҳозирги кунда банкларнинг хусусий капиталларининг ҳажми ҳамда уларнинг ташкилий - ҳуқуқий шаклларида келиб чиққан ҳолда банкларнинг имкониятлари аниқланади:

- аввалги ихтисослаштирилган давлат банклари базасида ташкил этилган тижорат банклари учун жалб қилинган маблағлар ҳажми банкларнинг хусусий капиталидан 25 мартадан ошмаслиги лозим;

- ёпиқ турдаги акциядорлик жамияти кўринишида барпо этилган банклар учун – 20 баробардан ортмаслиги лозим;

- очик турдаги акционер жамияти кўринишида барпо этилган банклар учун 10 баробардан ортмаслиги лозим.

Банклар томонидан жалб этилаётган маблағлар ўз таркибига кўра турлича бўлади. Мижозлар билан ишлаш жараёнида жалб этилган маблағлар ва бошқа кредит муассасаларидан қарзга олинган маблағлар асосий турдаги жалб этилаётган маблағлардир.

Банк ресурсларини шакллантириш билан боғлиқ бўлган операциялар банкларнинг пассив операциялари дейилади. Пассив операциялар ёрдамида тижорат банкларининг пассив ва актив-пассив счётидаги пул маблағларининг салмоғи ошиб боради. Банкларнинг пассив операциялари уларнинг фаолиятини ташкил қилишда катта роль ўйнайди. Тижорат банклари пассив операцияларининг асосан тўртта шакли мавжуд.

1. Тижорат банклари қимматбаҳо қоғозларини муомалага чиқариш йўли билан ресурслар йиғиш;

2. Банк фойдаси ҳисобидан ҳар хил фондлар ташкил қилиш ёки фондлар суммасининг ошириш;

3. Бошқа кредиторларнинг маблағларини жалб қилиш;

4. Депозит операцияларини амалга ошириш

#### **4.Капитални етарлилик кўрсаткичи ва замонавий шароитларда унга қўйиладиган янги талаблар.**

Ўзбекистон Республикасида тижорат банклари капитали етарлилиги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 26.04.2000 йилда тасдиқланган “Тижорат банклари капиталининг етарлилигига қўйиладиган талаблар тўғрисида НИЗОМ” га асосан аниқланади.

Унга кўра тижорат банклари устав капиталининг белгиланган энг кам миқдорининг миллий валютадаги эквиваленти муассислар томонидан банкни

ташқил қилиш тўғрисидаги қарор қабул қилинган кундаги бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи учун фойдаланиладиган Марказий банкнинг валюта курси бўйича ҳисоблаб чиқарилади.

Хусусий банклар регулятив капиталнинг энг кам даражасига қўйилган талабларнинг бажарилишини улар Марказий банкка рўйхатга олинган кундан бошлаб 5 йил мобайнида таъминлашлари керак.

Марказий банк айрим фаолият юритаётган банкларга у томонидан хавфсиз ва ишончли бўлмаган банк фаолиятини юзага келишига олиб келиши мумкин бўлган қониқарсиз молиявий ҳолат, фойдалилик прогнози, юқори даражадаги молиялаш таваккалчилиги ва балансдан ташқари моддалар, шунингдек бошқа омиллар мавжудлиги аниқланганда, уларга нисбатан регулятив капитал миқдорини ошириш тўғрисида талаблар қўйишга ҳақли.

Регулятив капитал миқдорини аниқлаш учун миллий валютадаги эквивалент бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи мақсадлари учун ҳисобот ойининг охириги кунига қонун ҳужжатлари билан белгиланган валюта курси бўйича белгиланади.

Марказий банк "Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида"ги Қонуннинг 52-моддаси ва "Банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги" Қонуннинг 25-моддасига мувофиқ банклардан банк фаолияти, иқтисодий вазият ва молиявий аҳволига хос таваккалчиликка қараб капитал етарлилигининг янада юқори коэффицентлари таъминланишини талаб қилиши мумкин. Бундай таваккалчиликлар ўз ичига қуйидагиларни олади ва улар билан чекланиб қолмайди: муаммоли кредитларнинг катта миқдори, соф зарарлар, активларнинг катта миқдорда ўсиши, фоиз ставкалари бўйича юқори даражали таваккалчиликнинг юзага келиши ва таваккалли фаолиятга жалб қилиниши.

Капиталнинг етарлилик коэффицентлари:

а) регулятив капитал (РК) чегирмалар ажратилган ҳолда I даражали капитал ва II даражали капиталнинг йиғиндиси сифатида аниқланади;

б) таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолда ҳисобланган капиталнинг умумий суммаси (ТКУС) чегармалар ажратилиб, таваккалчилик ҳисобга олинган ҳолда ҳисобланган баланс ва балансдан ташқари активлар йиғиндиси сифатида аниқланади;

в) регулятив капиталнинг таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолда ҳисобланган активларнинг умумий суммасига нисбати 10 фоиздан кам бўлмаслиги керак. Регулятив капиталнинг етарлилик коэффиценти K1 қуйидаги тарзда ҳисобланади:

$$K1 = \text{РК} / \text{ТКУС}.$$

г) I даражали капиталнинг етарлилик коэффиценти куйидагича аниқланади:

$K2 = I$  даражали капитал / ТКУС. K2 нинг энг кичик даражаси 0,05 га тенг (5 фоиз).

Капиталнинг етарлилик даражаси талаблари билан бир қаторда тижорат банклари номоддий активлар, шу жумладан гудвилл чегириб ташланган ҳолда I даражали капиталнинг умумий активлар суммасига нисбати орқали аниқланадиган левераж коэффицентиغا риоя этишлари керак:

$K3 = I$  даражали капитал / (Умумий активлар - Номоддий активлар)

Левераж коэффицентининг рухсат этилган энг кичик даражаси 0,06 га тенг (6 фоиз).

Банк кенгаши ҳар йили банкнинг кредит ва инвестиция сиёсатининг асосий йўналишларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш чоғида фойдадан капитални оширишга йўналтириладиган ажратмалар миқдорини эътиборга олади.

Солиқлар тўлангандан сўнг фойдадан капитални оширишга йўналтириладиган ажратмалар меъёрлари левераж коэффицентидан келиб чиққан ҳолда қийидаги миқдорларда белгиланади:

а) левераж коэффиценти 0,15 гача бўлганда (0,15 ҳам киради) - фойдадан 30 фоиз;

б) левераж коэффиценти 0,15 дан 0,30 гача бўлганда - фойдадан 20 фоиз;

в) левераж коэффиценти 0,30 ва ундан юқори бўлганда - фойдадан 10 фоиз.

Мазкур Низомнинг 9.1-бандига мувофиқ капитални оширишга ажратилган маблағлар 30903-“Умумий захира фонди” баланс ҳисобварағида ҳисобга олинади.

### **5. Тижорат банкларининг депозит маблағлари манбаи ва уни бошқаришнинг замонавий усуллари.**

Депозит - лотинча (depositum) сўз бўлиб, сақлаш учун топширилган буюм маъносини билдиради. Иқтисодиётда эса миқдорнинг ўз маблағини вақтинча фойдаланиш учун банкка топшириши натижасида вужудга келадиган иқтисодий муносабат тушунилади.

Депозит амаллари банкларнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланиб, депозит амалиётисиз тижорат банклари ўзларининг бошқа асосий вазифаларини бажаришлари мумкин эмас. Банкларнинг бош мақсади бўлган фойда олишга эришиш истиқболларини белгиловчи, яъни даромад келтирувчи актив амалларни бажариш билан боғлиқ фаолиятларида жалб қилинган ва

жамғарилган маблағлар ёки депозитлар муҳим ўрин тутади.

Депозитларнинг иқтисодий мазмуни ва уларнинг мамлакат иқтисодиётидаги тутган ўрни нималардан иборат? Ушбу саволга жавоб бериш учун аввало депозит амалларини банк ва мижозлар ўртасидаги иқтисодий муносабатлар сифатида қараш талаб этилади. Фикримизча, назарий жиҳатдан бу иқтисодий манфаатдорликдир ёки ҳар иккала томон ҳам маълум иқтисодий наф олишни кўзлаган ҳолда иқтисодий муносабатга киришади. Агар, аҳоли бўш пул маблағларини банкларда беҳавотир сақлаш кафолатлари мавжудлиги ҳамда топширилган омонатлар бўйича фоизли даромад олишдан манфаатдор бўлса, банклар эса ушбу жалб қилинган маблағлар ҳисобига мижозларга кредитлар бериб ёки лизинг, факторинг каби жаҳон амалиётида кенг қўлланиладиган хизматларни кўрсатиш орқали фоизли даромадлар олишади. Шу йўл билан бўш пул маблағларини банк орқали йиғиш ва иқтисодиётнинг реал секторига йўналтириш, натижада пул айланиш тезлигини ўстириши эвазига миллий валюта қадрсизланишининг жиловланишига эришиш мумкин. Айнан, мана шу омил ҳам депозит амалларининг ривожланишида асосий ўрин тутади.

Депозит - бу мижознинг банкларга вақтинча ишлатиш учун ўз маблағларини бериши бўйича иқтисодий муносабатидир.

Депозитлар тратта, чеклар, пул топшириқномалари, давлат хазина кафолатлари ва бошқа шаклларда келиб тушса, улар умумий олиш шарти билан қабул қилинади. Бироқ бундай суммалар банкнинг ҳисобварағига келиб тушмагунча ушбу депозитга киритилган ҳисобланмайди.

Депозит базаси муцаҳкамлигини таъминлашда банклар томонидан ҳамда ташқилий меъғрий асосларидан келиб чиқиб ушбу депозит турининг қўйидаги турларга ажратиб олинган бўлиб, булар қўйидагича тавсифланади:

- 30 кунгача бўлган депозитлар;
- 90 кунгача бўлган депозитлар;
- 180 кунгача бўлган депозитлар;
- 1 йилгача ва ундан юқори бўлган депозитлар;

Депозитларнинг бундай табақаланиши халқаро амалиётда ҳамда «Ўзбекистон банклари амалиётида кенг қўлланиб келинмоқда.

Жамғарма депозитлар – Банк учун ресурслари базасини муцаҳкамлигини таъминловчи ҳамда ресурслар сифатида ишлатилиши енгиллаштирувчи асосий манбаалардан бири ҳисобланади ва жамғармачи учун ўз жамғармаларини тўплаш ва уларни жамғариш билан бирга салмоқли даражада фоиз даромадларга эга бўлишини таъминлайди.

Ушбу депозит турини банкнинг депозит сиёсатидан келиб чиқган ҳолда халқаро ва анъанавий тажрибалардан келиб чиқиб жалб қилишнинг турли усулларига тақсимлашимиз мумкин:


Муддатли, Тақдим этувчига, Ютуқли, Пластик карталари бўйича, Бошқа махсус жамғармалар.

### **6.Депозит операцияларини ривожлантириш йўллари**

Банкнинг депозит операциялари 4 гуруҳга бўлинади:

1. Талаб қилиб олингунча (муддатсиз) депозитлар;
2. Муддатли депозитлар;
3. Аҳоли жамғармалари;
4. Қимматли қоғозлар чиқариш йўли билан маблағларни жалб қилиш.

1-чизма



Муддатсиз депозитлар – бу мижоз томонидан ўз маблағини хоҳлаган пайтда ҳеч қандай олдиндан огоҳлантирмай олиниши мумкин бўлган маблағлар тушунилади.

Муддатли депозитлар – бу банк томонидан маълум бир муддатга жалб қилинадиган маблағлардир.

Талаб қилиб олингунгача бўлган депозитлар қуйидаги хусусиятларга эга:

- депозитнинг бу турида хоҳлаган вақтда, хоҳлаган суммада маблағни қўйиш ёки олиши мумкин;

- депозит муддати чегараланмаган;
- кам миқдорда фоиз тўланади;
- бу турдаги депозитлар бўйича Марказий банкга ўтказиладиган мажбурий резервлар салмоғи юқори ва ҳ.к.

Шунинг билан бирга банк ўзинг фаолиятини қуйидагилар билан тўлдириши лозим.

Депозит, кредит ва бошқа операцияларини банкнинг барқарорлигини таъминлаши бўйича боғлиқлигини янада кучайтириши.

Рискларни камайтириш учун ресурсларни диверсификация қилиниш лозим.

Депозит портфелни туркумлаш (мижозлар бўйича);

Мижозларни турлари бўйича индивидуал йўналиш олиб бориш;

Хизматларнинг рақобатбардош бўлиши.

Банк томонидан чиқарилаётган сертификатлар халқаро амалиётда ва бизнинг қонунчиликда белгиланган шартлар бўйича икки турда чиқарилиши мумкин:

Юридик шахслар учун мўлжалланган – депозит сертификатлари.

Жисмоний шахслар учун мўлжалланган – жамғарма сертификатлари

Депозит сертификатлари – бу қимматли қоғоз бўлиб, эмитент банк пул маблағларининг омонатга қўйилганлиги ҳақидаги гувоҳномасидир ва у омонатчига ёки унинг ҳуқуқий ворисининг депозит суммасини ва унга тегишли фоизларни белгиланган муддат тугагандан сўнг ёки кўрсатилган шартлар бўйича олдиндан олиш ҳуқуқини тасдиқлайди. Ҳуқуқий жихатдан ёндашадиган бўлсак депозит сертификатлар банкнинг қарз мажбурияти ҳисобланиб, у орқали жалб қилинган маблағларга маълум муддатга эгалик қилиш ҳисобига сертификат эгасига тегишли фоиз тўловларини амалга оширади.

### Такрорлаш саволлари:

1. Банк маблағлари тушугчаси ва уларнинг тузилиши
2. Банк қаритали ва унга қўйилган талаблар
3. Марказий банк томонидан тижорат банклари маблағларига қўйиладиган талаблар ва иқтисодий нормативлар
4. Тижорат банклари пасивларини бошқариш муаммолари

**3-МАВЗУ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ АКТИВ ОПЕРАЦИЯЛАРИ. КРЕДИТ ПОРТФЕЛИ, УНИ БОШҚАРИШ ВА БАҲОЛАШ**

**Режа:**

1. Тижорат банкларининг актив операциялари ва уларни ривожланиши.
2. Банк активларнинг риск ва даромад даражаси бўйича тавсифи.
3. Банкларнинг кредит операциялари ва ундаги замонавий тенденциялар.
4. Тижорат банклари кредит портфели ва уни бошқариш билан боғлиқ муаммолар.
5. Тижорат банклари томонидан замонавий кредитлаштириш тизими.

**Таянч иборалар:** *кредит, қарз, кредит олиш қобилияти, тўлов қобилияти, ликвидлик, коэффициентлар, факторинг, микрокредит, бошланғич сармоя, гаров, таъминот, имтиёз, тўлов, фоиз.*

**1. Тижорат банкларининг актив операциялари ва уларни ривожланиш.**


Тижорат банклари ўзининг иқтисодиётда тутган ўрни ва ўзига хос фаолияти билан бозор иқтисодиётининг ажралмас қисми сифатида юзага келди. Тижорат банкларининг бугунги кундаги фаолиятига эътибор берадиган бўлсак, халқ ҳўжалигининг ҳеч бир субъекти йўқки, у бугун банк хизматидан фойдаланилмаётган бўлсин.

Бундан ташқари банклар ўз миждозларига молиявий брокер сифатида ҳам хизмат кўрсатмоқда. Банкларнинг бундай функцияни бажаришлари корхона ташкилотларнинг қимматли қозғалар бозори операцияларида қатнашишлари учун кўлай шароит яратмоқда.

Банкнинг актив операциялари унинг операцияларининг аниқлаб берувчи қисми ҳисобланади.



Банк актив операциялари тузилмаси.



Активлар структураси деганда банк баланси активлари турли сифатли моддаларининг баланс якунига нисбати тушунилади. Банк активларининг сифати активлар структураси, актив операцияларни диверсификациялаш, рискли активлар хажми, критик ва тулик булмаган активлар ҳамда активларнинг узгарувчанлик хусусиятлари билан аникланади.

Тижорат банклари активларини 4 категорияга булиш мумкин: кассадаги нақд пул ва унга тенглашган маблағлар; кимматли коғозларга инвестициялар; ссудалар; иморат ва ускуналар.

Агар активлар таркибини банк фаолиятидаги асосий турлари буйича гурухлаштирсак, у холда куйидаги хулосалар чиқариш мумкин:

1. Банк актив операцияларида асосий уринни кредит операциялар эгаллайди. Уларнинг улуши 19,90% дан 83,25% гача ташкил этади.
2. Банк активларида иккинчи уринни кимматли коғозларга килинган инвестициялар эгаллайди (2,15% дан 29,18% гача).
3. Учунчи уринда — касса активлари (0,2% дан 12,94% гача).
4. Бошқа активлар улуши ҳисоб-китоб хусусиятларидан келиб чиқиб банк операцияларида жуда ҳам кенг спектрни уз ичига олади (2% дан 78% гача).

Даромад келтиришига караб банк активлари: даромад келтирувчи активларга ва даромад келтирмайдиган активларга булинади.

Даромад келтирувчи активларга куйидагилар киради: барча берилган кредитлар (жумладан банклараро кредитлар); инвестициялар; хазина векселлари; давлат облигациялари; кимматли коғозлар.

Даромад келтирмайдиган активлар: пул активлар гурухи; асосий воситалар; капитал харажатлар; барча моддий активлар ва бошка активлар; номоддий активлар.

Хозирги кунда тижорат банклари томонидан берилаётган кредитларнинг таъминоти сифатида кучмас мулк, бошка банк ёки сурурта ташкилотининг сурурта кафолати ҳам қабул килиниши мумкин.

Иқтисодиёт нуктаи назаридан активларни бошқариш масалалари пасивлардан алоҳида кўриб чиқилади, бироқ амалиётда улар ўзаро боғлиқдир. Банк балансининг пасив қисмидаги жалб этилган маблағларнинг манбаларини таҳлил қилмасдан актив операцияларни амалга ошириш қийин. Тижорат банки йўналтириладиган ресурсларни депозитлар муддатлиги асосида вақти-вақти билан аниқлаш ва тартибга солиш муаммосига дуч келади.

Тижорат банкларининг асосий актив операцияси бу кредитлаш фаолиятидир. Кредит муносабатларининг субъектлар: хўжалик органлари, аҳоли давлат ва банкларнинг ўзидир.

### **2. Банк активларнинг риск ва даромад даражаси бўйича тавсифи.**

Тижорат банкларини активлари таваккалчилик даражаси бўйича 0, 20, 50, 100% ли турт гурухга булинади. Хар хил тоифали активлар нисбий таваккалчилиги уз зиммасига мажбуриятларни қабул қилган шахс тури ва гаров ёки кафолат тавсифига боғлиқ. Масалан, нақд пул 0 фоизли таваккалчилик даражасига эга булса, тижорат кредитлари 100% ли риск тоифасига киради. Бу тижорат кредитлари капиталнинг муайян суммаси билан тулик таъминланган булиши кераклигини англатади.

Рискни ҳисобга олган холдаги активлар хар бир актив баланс суммасининг унга тегишли таваккалчилик микдорига купайтириш ва риск бўйича аниқланган активлар йигиндиси оркали топилади. Куйида банк активлари тоифаларининг таърифи келтирилган.

1. Таваккалчиликдан холис булган активлар (риск коэффиценти - 0%) куйидагиларни уз ичига олади:

- Банкда ва унинг филиалларида нақд пул куринишида сакланаётган миллий ва чет эл валютаси (жумладан, йилдаги нақд пуллар ва банк

омборларида ёки Марказий банк оморларида сакланаётган олтин куйилмалар);

- Марказий банк ва унинг худудий, бошкармаларида вакиллик ва захира ҳисоб ракамларидаги маблаглар;

- Ҳукумат ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига тугридан-тугри талаблар ва бу эмитентлар томонидан чиқарилган кимматли коғозлар;

- Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИХТТ) га кирувчи мамлакатлар ҳукуматлари ва марказий банкларига куйиладиган бошка талаблар;

- Активлар ёки уларнинг Ўзбекистон Республикаси ва ИХТТга кирувчи мамлакатлар миллий валюталарига деноминация қилиниб, нақд пул билан таъминланган ҳамда банкда алоҳида чеклаб куйилган депозит ҳисоб рақамида сакланаётган қисми.

2. Минимал таваккалчилик даражасига эга активлар (таваккалчилик коэффициентлари - 20%) куйидагилардан иборат:

- ИХТТ давлатларида руйхатга олинган депозит институтларига нисбатан талаблар, шу жумладан, қарзлар ва пул бозори воситалари;

- Банкнинг Жаҳон банки, Халқаро Валюта Фонди, Европа тикланиш ва тараққиёт банки каби халқаро ташкилотларига нисбатан талаблари, шунингдек, бу ташкилотлар томонидан қафолатланган банк активлари;

- еврооблигациялар, қисқа муддатли биринчи синф таъминланганликка эга булган кредитлар ва бошка ҳужжатлар қиради.

3. Ўртача риск даражасига эга активлар (риск коэффициентлари

- 50%) куйидагилардан иборат:

- жисмоний шахсларга бир оилага уй-жой сотиб олиш ёки қуриш учун берилган ва дастлабки гаров билан таъминланган кредитлар. Бунда ссуда миқдорининг гаров қийматига нисбати 60% дан ошмаслиги керак. 60 ва ундан ортиқ қунга муддати утган, фоизлар ҳисоблаш тухтатилган ёки реструктуризацияланган кредитлар таваккалчилик даражаси юқори (100%) булган активлар тоифасига қиради;

- банкнинг ИХТТга кирувчи давлатлар маҳаллий ҳокимият органларига нисбатан талаблари ёки бу талаблар ва қафолатлар буйича туловлар мазкур мажбуриятлар буйича молиялаштириладиган муайян лойиха тушумларига боғлиқ булса, ушбу ташкилотлар томонидан қафолатланган активлар. Юқоридаги ташкилотлар томонидан эмиссия қилинган кимматли коғозлар.

4. Юқори риск даражасига эга активлар (таваккалчилик коэффициентлари — 100%) куйидагилардан иборат:

- банк томонидан берилган барча кредитлар, жумладан, тадбиркорлик тузилмалари, қишлоқ ҳужалик, ишлаб чиқариш қорхоналарига берилган

кредитлар, истеъмол ва ипотека кредитлари,<sup>1</sup> - 5 бандларида курсатилган кредитлар бундан мустасно;

- банкнинг асосий воситалари, иншоотлари, жихозлари ва шахсий кучмас мулки;
- бошка барча активлар.

### **3. Банкларнинг кредит операциялари ва ундаги замонавий тенденциялар.**

Тижорат банкларининг актив операциялари ичида кредитлаш жараёни асосий уринни эгаллайди. У куйидаги боскичларни уз ичига олади:

- кредит олиш учун берилган мижознинг ариза талабномасини куриб чиқиш;
- карзолувчининг туловгавакредитгалаёкатлилигини банк томонидан урганиб чиқилиши;
- кредит кумитасининг карори;
- кредит битимини расмийлаштириш;
- кредит берилиши;
- ссуда ва у буйича фоиз тулашни банк томонидан назорат қилиниши.

Кредит ва уни тулаш жараёни кредит шартномасида курсатилган булиб, кредит ва карз олувчи уртасидаги мажбурият ва хукукларни белгилаб беради. Унда кредитлашнинг максади ва объекти, кредит миқдори, ссудани бериш ва уни тулаш муддати, кредит таъминотининг турлари, кредит учун фоиз ставкаси ва бошкалар курсатилади. Ссуда тулашни назорат қилиш банкнинг кредит портфелини мунтазам тахлил қилиш асосида олиб борилади ва кредитларнинг сифат даражаси аниқланади.

Тижорат банклари томонидан бериладиган барча кредитлар унинг кредит портфелида уз ифодасини топади.

Молиялаштириш манбаларига ва карз олувчининг минтакавий урни ва манзилига қараб тижорат банкларининг кредит портфелини таснифлаш мумкин.

Таснифланган кредитларнинг қайси гуруҳга кириш даражаси тез сотиладиган активлар ва юқори ликвид маблағларнинг мавжудлиги билан белгиланади. Ўзбекистан Республикаси Марказий банки томонидан 1998 йил 9 ноябрда тасдиқланган 242-сонли «Активлар сифатини таснифлаш, мумкин булган йўқотишлар буйича тижорат банклари томонидан резервлар ташкил қилиш ва ундан фойдаланиш қоидаси» ва «Активлар сифатини таснифлаш, тижорат банклари томонидан улар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захираларни шакллантириш ва ундан фойдаланиш тартибига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» (Ўзбекистон

Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 2011 йил 22 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 632-2)га асосан, тижорат банклари томонидан бериладиган кредитлар юқорида келтирилган мезонлар буйича «яхши», «стандарт», «субстандарт», «шубхали», «умидсиз» ёки «ишончсиз» кредитларга таснифланади. Активларни бошқаришнинг асосий мақсади таваккал қилишнинг энг пац даражаси шароитида даромад фоиз тушумлари ва харажатлар орасидаги фарқни мумкин қадар ошириш ёки уни жуда бўлмаганда барқарор даражада сақлаб туришдан иборат эканлиги малум.

Тижорат банкларининг кредитлари банк фаолиятида асосий ўрин тутган операциялардан биридир. Ўзбекистон Республикаси «Банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонуни»да банк терминида тушунтириш берилганда бу ташкилот учта операцияни албатта амалга ошириши кераклигига берилган булардан бири кредит бериш операциясидир. Жаҳон банк фаолиятида банк терминида молиявий универмаг деган тушунча берилганига карамай кредит операциялари барча банклар фаолиятида муҳим ўрин эгаллаган. Бир томондан банк кредити иқтисодий субъектлар учун зарурий ҳолларда вақтинча юзага келган молиявий қийинчиликларни ечишда ёрдам берувчи муҳим манбаа ҳисобланади. Иккинчи томондан эса банклар олиб бораётган жараёнлари ичида энг кўп фойда берувчи жараёндир.

Банкларнинг кредит жараёнлари ўз навбатида муддат бўйича учта бўлинади:

- қисқа муддатли 1 йил муддатгача бўлган;
- узоқ муддатли 1 йилдан ортиқ.

Агар биз бу кўрсаткични Республикамиз банклари бўйича таҳлил қиладиган бўлсак, у ҳолда ўртача 75 фоиз атрофидалигини кўришимиз мумкин. Кредит операцияларининг банк фаолиятида энг рискли жараёнлардан бири ҳисобланган бир вақтда, унинг даромадлилиги ҳам юқоридир. Бугунги банк тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, ривожланган давлатлар банклари даромадида кредит жараёнларидан олинган фоиз даромади салмоқли улушни ташкил этмоқда. АКШ банклари бўйича бу кўрсаткич ўртача 85,9 фоизни ташкил қилган.

### **5.Тижорат банклар томонидан замонавий кредитлаштириш тизими.**

Баъзи бир мижозлар кредит олиш, уни тўлдириш жараёнида олдинги даврдаги каби кредит объектлари бўйича ҳужжат, баъзи бир мижозлар эса янги усул ёрдамида кредит олиш учун ҳаракат қиладилар. Буларнинг барчаси ҳозирги давр кредит бериш тизимида ўтиш даврини бошидан кечираётганидан хабар қилади. Ўтиш даврининг асосий камчиликлари бўлиб эса қуйидагилар ҳисобланади.

1. Турли тижорат банклари фаолияти хали ҳам эски кредит бериш усулларининг сақланиб қолаётганлигидир.

2. Тижорат ва махсус банкларнинг техник жиҳатдан тўлиқ ривожланмаганлиги, технологиянинг тўла-тўқис банк операциялари жорий қилинмаганлигидир.

Ўтиш даври кредит бериш тизимининг энг муҳим хусусияти шуки, унда ташкилот ва аҳолини унифицирлашган усулларнинг кредит бериш сақланиб қолганидир.

Бу хусусиятлар қуйидагилардан иборатдир.

1. Кредит бериш тизими банкнинг корхона сифатида ўз ресурсларига бевосита асосланади. Маъноси шуки, банклар олдинги даврга ўхшаб юқоридан кредит ресурслари билан таъминланмайдилар балки ўзлари жойларида яратган, жалб қилган маблағлари эвазига фаолият кўрсатадилар.

2. Ҳосил бўлган кредит механизми тижорат характерига эгадир. Тижорат банклари ҳозирги кунда савдо корхонаси хусусиятларини олмоқда. Уларга арзон олиб, қиммат сотиш принципи тўғри келишини таъкидлаш мақсадга мувофиқ бўлмоқда.

3. Бугунги кундаги кредит бериш тизимининг ўзига хос хусусиятларидан яна бири, уларнинг нафақат ўз кредит маблағларига боғлиқлиги, балки Марказий банк томонидан ўрнатиладиган иқтисодий нормативларга ҳам бевосита боғлиқлигидир.

4. Ҳозирги давр кредит бериш тизимининг энг муҳим белгиларидан (хусусиятларидан) яна бири уларнинг шартномага асосланмаганлигидир. Кредит бериш уни бошқариш даврида вужудга келадиган барча муаммолар шу мижоз билан тузиладиган шартнома орқали хал қилинади. Бунда банк ва мижознинг ҳуқуқ - мажбуриятлари қонун, ҳамда келишув асосида белгилаб қўйилади. Мижоз томонидан ҳам, банк томонидан ҳам қизиқиш қолмаган тақдирдагина шартнома бекор қилиниши мумкин.

5. Кредит бериш тизимининг яққол ажралиб, кўзга ташланадиган белгиси - бу кредит бериш тизимининг объектидан субъектига ўтганлигидир.

6. Янги кредит бериш тизими, кредитнинг эски, аммо принципиал (махсус) принципларига асосланади. Яъни кредит бериш жараёнида унинг махсус принциплари - қайтариб беришлик, тўловлилик, таъминланганлик ва муддатлилик принципларига тўла-тўқис амал қилинади.

Кредит бериш тизимининг янги замонавий белгиларидан кейингиси бу банклар томонидан юқори даражада қафолатланган, банк ссудаларини беришни ташкил қилишдир.

Банк кредити турлари.

Кредит субъектлари бўйича кредитлар	<ul style="list-style-type: none"> <li>a) давлат корхоналари</li> <li>b) нодавлат корхоналари</li> <li>c) аҳоли</li> <li>d) бошқа хўжаликлар</li> <li>e) давлат органлари</li> <li>f) қўшма корхоналар</li> <li>g) бошқа банклар ва</li> <li>h) бошқа ташкилотлар</li> </ul>
Кредит мақсадига кўра кредитлар	<ul style="list-style-type: none"> <li>a) истеъмолга</li> <li>b) саноатга</li> <li>c) савдога</li> <li>d) қишлоқ хўжалигига</li> <li>e) инвестицион</li> <li>f) бйуджет кредитлари</li> </ul>
Кредитни жорий қилиш мухитига қараб кредитлар	<ul style="list-style-type: none"> <li>a) ишлаб чиқаришга</li> <li>b) муомалага</li> </ul>
Кредит муддатига қараб кредитлар	<ul style="list-style-type: none"> <li>a) қисқа муддатли</li> <li>b) узоқ муддатли</li> <li>c) ўрта холда муддатли</li> <li>d) талаб қилиб олгунча кредит</li> </ul>
Кредит ҳажмига кўра кредитлар	<ul style="list-style-type: none"> <li>a) йирик</li> <li>b) ўрта</li> <li>c) майда (микро) кредитлар</li> </ul>
Тўлов турига кўра кредитлар	<ul style="list-style-type: none"> <li>a) бозор фоизи</li> <li>b) йуқори фоизли</li> <li>имтиёзли фоизли</li> </ul>
Кредитлаш объектига кўра кредитлар	<ul style="list-style-type: none"> <li>a) хусусий объектлар</li> <li>b) умумлашган кредитлаштириш объекти</li> </ul>
Кредитлаштиришдаги валйута тури бўйича кредитлар	<ul style="list-style-type: none"> <li>a) миллий валйутада</li> <li>b) хорижий валйутадаги кредитлар</li> </ul>
Кредит таъминоти бўйича кредитлар	<ul style="list-style-type: none"> <li>a) таъминланган кредитлар</li> <li>b) таъминланмаган кредитлар</li> </ul>
Қайтариш тартибига кўра кредитлар	<ul style="list-style-type: none"> <li>a) бир вақтда қайтариладиган кредитлар</li> <li>b) тўловни кечиктириш асосидаги кредитлар (ойлик, квартал, йил)</li> </ul>
Фоиз ставкасини ўрнатилишига қараб	<ul style="list-style-type: none"> <li>a) қатъий белгиланган</li> <li>b) ўзгарувчан</li> </ul>
Кредит муносабатларида қатнашадиган банклар сонига кўра	<ul style="list-style-type: none"> <li>a) битта банкдан бериладиган кредитлар</li> <li>b) синдицирлашган кредитлар кабилардир</li> </ul>
Кредитлаш услубига кўра	<ul style="list-style-type: none"> <li>a) қолдиқ</li> <li>b) оборот (муомала)</li> <li>c) кредит линияси орқали</li> </ul>

Бу кредит турлари деярли барча собиқ МХДларида бир хил бўлиб, улар банклар томонидан ва бошқа нобанк ташкилотлари томонидан мижозларга берилади. Бироқ ислом давлатларида исломга кредит бериш усуллари устун туради.

**Такрорлаш саволлари:**

1. Банк актив операциялари ва уларни тузилиши.
2. Банк кредит операциялари ва уларни тузилиши.
3. Истъемол кредити ва уни Ўзбекистонда ривожланиш истиқболлари
4. Кредит портфели ва уни баҳоси.
5. Ўзбекистонда ипотека кредитлаштиришнинг ривожлантириш хусусиятлари ва истиқболлари.



## ТЕСТ САВОЛЛАРИ

### 1. Молиявий бозор макседи:

- a. Пулнинг эркин харакати ва олди-соттиси учун нормал холатни таъминлаш;
- b. Бозор ташкилотчиларига фойдани таъминлаш;
- c. Маблаглар харакати устидан давлат назоратини урнатиш.
- d. Пул-кредит харакатини бошқариш
- e. Банк фаолиятини назорат қилиш

### 2. Банк – қуйидаги макседлар учун ташкил қилинган ташкилотдир:

- a. Молиявий воситачилик ролини бошқариш учун;
- b. Давлат эҳтиёжлари учун пул маблагларини йиғиш;
- c. Пул муомаласи устидан назорат функциясини бажариш.
- d. Фойдани олиш учун
- e. Корхоналар пул маблаграини бошқариш учун

### 3. Марказий банкнинг асосий вазифаси:

- a. Давлат бюджети учун пул маблагларини йиғиш;
- b. Пулнинг сотиб олиш қобилияти барқарорлигини таъминлаш;
- c. Мамлакат тулов баланси мувозанатини таъминлаш;
- d. Тижорат банкларини пул маблаглари билан таъминлаш;
- e. Давлатнинг пул захираларини сақлаш.

### 4. Марказий банк мақоми:

- a. Қонун асосида ҳаракат қилувчи, мустакил орган;
- b. Акционерлар умумий йиғилиши қорорларига бўйсунувчи акционер жамияти;
- c. Мамлакат ҳукуматига бўйсунувчи ташкилот;
- d. Банк Ассоциациясига бўйсунувчи ташкилот;
- e. Молия Вазирлигига бўйсунувчи ташкилот.

### 5. Тижорат банклари бу:

- a. Иқтисодий бошқарувчи орган;
- b. Уз операцияларини бажариш натижасида фойда олиш учун барпо қилинган ташкилот;
- c. Корхона ва хусусий шахслар фаолиятини назорат қилувчи орган;
- d. Қичик ва хусусий бизнесни бошқариш органи;
- e. Молия тизимини пул маблагларини қупайтириш органи.

### 6. Тижорат банкларининг асосий вазифаси:

- a. Мижозлар талаби ва уз фойдасини таъминлаш макседида операциялар утқизиш;
- b. Корхоналар фаолияти устидан молиявий назорат ургатиш;
- c. Давлат бюджети даромадини таъминлаш;
- d. Корхоналар молиявий маблагларини бошқариш;
- e. Мижозлар молиявий хизматларини олиб бориш.

### 7. Акционер-тижорат банкларининг энг юқори бошқарув органи бу:

- a. Банк бошқарувчи (правленияси);
- b. Банк директорлари кенгаши;
- c. Банк акционерлари (таъсисчилари) умумий йиғилиши.
- d. Банк жамоаси;
- e. Банк мижозлари.

**8. Тижрат банкининг молия бозоридаги урни куйидагича:**

- a. Пул жамгармачиларидан фойдаланувчиларга пул маблаглари харакатида воситачилик;
- b. Мамлакат иктисодиетига молиявий маблаглар эхтиежини аниклаш;
- c. Молиявий ресурслар харакатини режалаштириш;
- d. Молиявий маблагларни бир жойга туплаш;
- e. Пул маблагларини бошкариш.

**9. Қимматли коғоз бу:**

- a. Банкда ракам борлиги тугрисида гувоҳнома;
- b. Даромад еки девидент олиш хукукини берувчи ҳужжат;
- c. Ҳисоб-китоб операцияларини утказувчи ҳужжат;
- d. Пул маблаглари борлигини билдирувчи ҳужжат;
- e. Мулк хукукини билдирувчи ҳужжат.

**10. Агар кимматли коғозларга талаб ошса ва таклиф узгармай колса у холда уларнинг бахоси;**

- a. Тушади;
- b. Кутарилади;
- c. Ўзгармай колади.
- d. Таклиф ва талаб уртасида нарх буйича муносабат йўқ;
- e. Таклиф ва талаб нархга тескари таъсир утказди.

**11. Қандай кимматли коғоз фойзалари эмитентнинг харажатларига кушиб туланади (махсулот таннархига):**

- a. Оддий;
- b. Имтиезли;
- c. Облигация;
- d. Номли;
- e. Депозит сертификати.

**12. Қандай кимматли коғозлар буйича даромад фойдага боглик:**

- a. Акция;
- b. Корпорация облигациялари;
- c. Депозит сертификатлари.
- d. Давлат облигациялари;
- e. Номли.

**13. Тижрат банклари кимматли коғозлар буйича куйидаги операцияларини бажариши мумкин:**

- a. Банк, корхона ва фирмаларининг кимматли коғозларини сотиш ва сотиб олиш;
- b. Пул маблагларини бир ракамдан иккинчисга утказишда тулов воситаси сифатида ишлатиш;
- c. Соликлар буйича тулов утказиш.
- d. Пул жамгармачиларидан фойдаланувчиларга пул маблаглари харакатида воситачилик;
- e. Мамлакат иктисодиетига молиявий маблаглар эхтиежини аниклаш

**14. Банк депозит сертификати – бу:**

- a. Банкнинг қарз мажбурияти;
- b. Банкнинг пул маблағларини қимматли қозғаларига жойлаштирилган тугрисидаги ҳужжат;
- c. Ҳисоб-китобларни утқазиб тугрисидаги ҳужжат.
- d. Пул маблағлари борлигини билдирувчи ҳужжат;
- e. Мулк ҳуқуқини билдирувчи ҳужжат.

**15. Қарздорнинг қредит олиш қобилияти қуйидаги талабларга бўғлиқ:**

- a. Қарздор томонидан чиқарилган акция дивиденди даражасига;
- b. Ссуда қоизи даражасига;
- c. Қарздорнинг қолиявий қолатига;
- d. Қарз олувчининг қоолият турига;
- e. Ссуд олиш вақтига.

**16. Банкнинг энг қискли операциялари – бу:**

- a. Давлат қимматли қозғаларини қотиб олиш;
- b. Уз қимматли қозғаларини чиқариш;
- c. Қредит бериш;
- d. Инвестицияларни бошқариш;
- e. Давлат мулкни бошқариш.

**17. Бозор шароитида қиллий валюта қурсини урнати:**

- a. Мамлақат Марқазий банки;
- b. Вазирлар Маққамаси;
- c. Бозор талаб ва тақлиф асосида;
- d. Тижорат банқлари;
- e. Қолия Вазирлиги.

**18. Тижорат банқи ликвидлиги бу:**

- a. Банкнинг уз мажбуриятларини вақтида бақариши;
- b. Қижозлар уртасида ҳисоб-китобларни уз вақтида утқазиб;
- c. Банк активлари қойдалилиги;
- d. Ўз вақтида қредит бериш;
- e. Ўз вақтида қойда олиш.

**19. Банк қойдаси қуйидагиларга бўғлиқ:**

- a. Ссудалар буйиқа қоиз ставкаси даражаси;
- b. Банкнинг акциялари буйиқа тулайдиган дивиденд даражаси;
- c. Қойда қолиш нормаси;
- d. Қижозлар қони;
- e. Қижозлар тури.

**20. Агар Марқазий банқ қиллий резерв ставкасини пасайтирса, муомаладагс пул массасида қуйидаги узғаришлар булади:**

- a. Ўзгармайди;
- b. Қупаяди;
- c. Қамаяди;
- d. Тўғри жавоб йўқ;
- e. Бўғлиқлик йўқ.

**21. Агар Марказий банк кимматли коғозларни тижорат банкларидан сотиб олса, муомаладаги пул массасида қандай узгаришлар булади:**

- a. узгармайди;
- b. купаяди;
- c. Камаяди;
- d. Тугри жавоб йўқ;
- e. боғлиқлик йўқ.

**22. Балансда қандай моддалар ликвидлиги юкори:**

- a. Кредит;
- b. Газна;
- c. Кимматли коғозларга инвестиция;
- d. Дебиторлар;
- e. Кредиторлар.

**23. Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар утказилиши мумкин:**

- a. Туловчи розилиги ва топширигига асосан;
- b. Банк ташкилоти қарорига асосан;
- c. Пулни олувчининг талабига асосан;
- d. Марказий банк қарорига асосан;
- e. Молия Вазирлиги қарорига асосан.

**24. Пулни олувчи учун энг қулай ҳисоб-китоб тури:**

- a. тулов топширикномаси;
- b. Вексель;
- c. Чек.
- d. Тулов талабномаси;
- e. Инкассо.

**25. Банк учун энг қулай (кафолати) гаров бу:**

- a. Акционер компания акцияси;
- b. Кузгалмас мулк;
- c. Давлат кимматли коғозлари.
- d. Товар
- e. Сугурта полиси.

**26. Тижорат банклари пассив операциялари бу:**

- a. Давлатнинг ва маҳаллий органларнинг кимматли коғозларини сотиб олиш;
- b. Банк сертификатларини чиқариш ва сотиш;
- c. Уз коғозлари буйича фоиз тулаш.
- d. Инвестици фаолиятини олиб бориш;
- e. Кредит маблағларини тарқатиш.

**27. Тижорат банкларининг энг барқарор маблағлари манбаси бу:**

- a. Марказий банк кредитлари;
- b. Аҳоли жамғармаси;
- c. Банклараро кредит ресурслари бозоридан оладиган кредитлар.
- d. Марказлашган маблағлар;
- e. Давлат кредитлари.

**28. Тижорат банкларининг актив операцияларини бу:**

- a. Бошка компания кимматли коғозларини сотиб олиш;
- b. Уз акцияларини чиқариш.
- c. Жамгармачиларга фоиз тулаш.
- d. Депозитларни қабул қилиш;
- e. Кредит маблағларини туплаш.

**29. Энг рискли операциялар бу:**

- a. Давлат кимматли коғозлари билан операциялари;
- b. Мижозларга кредит бериш;
- c. Аҳолидан жамгарма олиш.
- d. Асосий воситаларни сотиб олиш;
- e. Ҳисоб-китоб операциялари.

**30 Банк кредитлаш принциплари – бу:**

- a. Мақсадли, таъминланган, муддатли, туловлилик, қайтариб бериш характери;
- b. Маҳаллий бошқарув фармойиши;
- c. Ўрток илтимоси.
- d. Мақсадли, муддатли, туловлилик, қайтариб бериш характери;
- e. Мақсадли, таъминланган, туловлилик, қайтариб бериш характери;

**31. Банк мижозлари томонидан қисқа муддатли кредитлар қуйидагилар учун олиниши мумкин:**

- a. Оборот маблағларини шаклантиришга;
- b. Солиқларни тулашга;
- c. Акция буйича дивидендларни тулашга;
- d. Эски қарзларни ёпишга;
- e. Қурилишга.

**32. Мижоз томонидан берилган гаровларининг қайси бирини банк танлаган булар эди:**

- a. Кузгалмас мулк;
- b. Кам фойдаланадиган импорт усқуналар;
- c. Омбордаги дефицит товар.
- d. Кимматли тошларни
- e. Давлат қафолати

**33. Молиявий ҳолати барқарор мижоз учун банкнинг қуйидаги кредит тури қулай ҳисобланади:**

- a. Кредит линияси очмасдан алоҳида ссуда рақамидан кредитлаш;
- b. Кредит линияси очиб алоҳида ссуда рақамидан кредитлаш;
- c. Контокоррент рақамидан кредитлаш.
- d. Овердрафт;
- e. Ломбард кредити.

**34. Контокоррент рақамидаги кредит қолдиги буйича фоиз қимнинг фойдасига ёзилади:**

- a. Банк фойдасига;
- b. Мижоз фойдасига;
- c. Процент ҳисобланмайди;
- d. Тенг булинади;
- e. Умуман ҳисобланмайди.

- 35. Кредит линияси очилган алохида ссуда раками буйича фоиз қандай ҳисобланади?**
- a. Харакатда фойдаланилган кредит ҳажми буйича;
  - b. Кредитнинг ҳақиқий фойдаланилган ҳажмидан катъий назар барча очилган кредит линиясига;
  - c. Хар ой уртача қарз қолдиғи буйича.
  - d. Кредитнинг қайтарилмаган қисмига;
  - e. Кредитнинг қайтарилган қисмига.
- 36. Акционер тижорат банкининг уз капитали ташкил этилади;**
- a. Марказий банк кредити ҳисобига;
  - b. Акциялар эмиссияси ҳисобига;
  - c. Депозит сертификатларини чиқариш орқали.
  - d. Давлат бюджети ҳисобига;
  - e. Молия Вазирлиғи маблағи ҳисобига.
- 37. Банкларнинг банкротликка учраш сабаблари:**
- a. Банкни ёмон бошқариш;
  - b. инфляция;
  - c. Фоиз ставкаларини умумий даражасини пасайиши.
  - d. Банк ликвидли маблағларининг қупайиши;
  - e. Банк кредит ресурсларининг қуплиғи.
- 38. Тижорат банкининг барқарорлиғи – бу:**
- a. Банкнинг барча мажбуриятларини бажариши;
  - b. Юқори дивидендлар тулаш;
  - c. Банк активларининг яхши сифати.
  - d. Инфляция;
  - e. Фоиз ставкаларини умумий даражасини пасайиши.
- 39. Банк рискларини камайтиришининг асосий йуллари:**
- a. Активлар диверсификацияси;
  - b. Банкнинг тор тармоққа махсуслашуви;
  - c. Валюта бозоридаги уйини.
  - d. Кредитлар миқдорини камайтириш;
  - e. Асосий воситаларни қупайтириш.
- 40. Банк ишончи қуйидагилар билан таъминланади:**
- a. Барқарор молиявий ҳолати билан;
  - b. Янги қимматли қозғалар чиқариш билан;
  - c. Юқори фоиз ставкаси билан.
  - d. Кредитлар миқдори билан;
  - e. Пассив операциялар ҳажми билан.
- 41. Инфляцияни пасайтириш учун Марказий банк:**
- a. Қайта молиялаштириш ставкасини қутаради;
  - b. Қайта молиялаштириш ставкасини туширади;
  - c. Узгартирмайди.
  - d. Тугри жавоб йўқ
  - e. Боғлиқлик йўқ.

**43. Кризис (инкироз) шароитида миллий валюта курсини ушлаб туриш учун депозит ставкасини:**

- a. Кутариш керак;
- b. Пасайтириш керак;
- c. Ўгартирилмайди.
- d. Тугри жавоб йўқ
- e. Боғлиқлик йўқ.

**44. Пул-кредит сиесати инструментлари булиб ҳисобланади:**

- a. Минимал захира сиесати;
- b. Даромад солиги ставкаси (фойда);
- c. Бюджетли молиялаштириш сиесати;
- d. Фоиз ставкаси турлари;
- e. Марказлашган маблағларни йиғиш.

**45. Қуйида санаб утилган молиявий инструментлардан қайси бири пул-кредитга (инструментларига) таълуқли.**

- a. Божхона солиги ставкаси;
- b. Миллий валюта курсини тартибга солиш;
- c. Қушилган қиймат солиги ставкаси (НДС);
- d. Фоиз ставкаси турлари;
- e. Марказлашган маблағларни йиғиш.

**46. Марказий банк «очик бозор» сиесати бу:**

- a. Давлат қимматли қозғаларни даромадини тартибга солиш;
- b. Кредитлар буйича фоиз ставкаларини тартибга солиш;
- c. Марказлашган кредит маблағларини тартибга солиш.
- d. Миллий валюта курсини тартибга солиш;
- e. Қушилган қиймат солиги ставкаси (НДС);

**47. Бозор иқтисодиети шароитида давлат макроиқтисодиетни қуйидагилар орқали тартибга солади:**

- a. Иқтисодий узиш даражаси истикболини белгилаш;
- b. Пул-кредит механизмлари;
- c. Маъмурий усуллар;
- d. Солиқ сиесати;
- e. Бюджет сиесати.

**48. Траст операциялари – бу: (ишонч операциялари).**

- a. Лизинг операциялари;
- b. Факторинг операциялари;
- c. Хужалиқ субъектлари пул маблағларини бошқариш.
- d. Инвестицияларни жойлаштириш;
- e. Пул маблағларини йиғиш.

**49. Тижорат банкларининг инвестицион фаолияти – бу:**

- a. Мижоз топшириги буйича ҳисоб-китоб операцияларини амалга ошириш;
- b. Мижознинг ва унинг топширигига қура қимматли қозғалар эмиссияси ва уларни сотиш операциялари;
- c. Мижоз аризаси буйича кредит бериш.
- d. Факторинг операциялари;
- e. Хужалиқ субъектлари пул маблағларини бошқариш.

- 50. Узбекистонда Тижорат банклари устидан назоратни олиб борувчи орган – бу:**
- a. Президент аппаратидаги тафтиш-ревизия булими;
  - b. Молия вазирлиги;
  - c. Марказий банк.
  - d. Вазирлар Махкамаси томонидан;
  - e. Олий Мажлис.
- 51. Банк – куйидаги максадлар учун ташкил килинган ташкилотдир:**
- a. Молиявий воситачилик ролини бошқариш учун;
  - b. Давлат эхтиёжлари учун пул маблағларини йигиш;
  - c. Пул муомаласи устидан назорат функциясини бажариш.
  - d. Фойдани олиш учун
- 52. Марказий банкнинг асосий вазифаси:**
- a. Давлат бюджети учун пул маблағларини йигиш;
  - b. Пулнинг сотиб олиш қобилияти барқарорлигини таъминлаш;
  - c. Мамлакат тўлов баланси мувозанатини таъминлаш;
  - d. Тижорат банкларини пул маблағлари билан таъминлаш;
- 53. Марказий банк макоми:**
- a. Қонун асосида ҳаракат қилувчи, мустақил орган;
  - b. Акционерлар умумий йигилиши қорорларига буйсунувчи акционер жамияти;
  - c. Мамлакат ҳукуматига буйсунувчи ташкилот;
  - d. Банк Ассоциациясига буйсунувчи ташкилот;
- 54. Тижорат банклари бу:**
- a. Иқтисодий бошқарувчи орган;
  - b. Уз операцияларини бажариш натижасида фойда олиш учун барпо қилинган ташкилот;
  - c. Қорхона ва хусусий шахслар фаолиятини назорат қилувчи орган;
  - d. Кичик ва хусусий бизнесни бошқариш органи;
- 55. Тижорат банкларининг асосий вазифаси:**
- a. Мижозлар талаби ва уз фойдасини таъминлаш мақсадида операциялар утқизиш;
  - b. Қорхоналар фаолияти устидан молиявий назорат ургатиш;
  - c. Давлат бюджети даромадини таъминлаш;
  - d. Қорхоналар молиявий маблағларини бошқариш;
- 56. Акционер-тижорат банкларининг энг юқори бошқарув органи бу:**
- a. Банк бошқарувчи (правленияси);
  - b. Банк директорлари кенгаши;
  - c. Банк акционерлари (таъсисчилари) умумий йигилиши.
  - d. Банк жамоаси;
- 57. Тижорат банкнинг молия бозоридаги урни куйидагича:**
- a. Пул жамғармачиларидан фойдаланувчиларга пул маблағлари ҳаракатида воситачилик;
  - b. Мамлакат иқтисодий таъминотида молиявий маблағлар эҳтиёжини аниқлаш;
  - c. Молиявий ресурслар ҳаракатини режалаштириш;
  - d. Молиявий маблағларни бир жойга туплаш;



**58. Пулнинг функцияси нечта?**

- a. пулнинг функцияси бешта.
- b. пулнинг функцияси учта.
- c. пулнинг функцияси туртта.
- d. нотугри жавоб йўқ.

**59. Марказий банкнинг асосий вазифаси нима?**

- a. давлатнинг пул кредит сиёсатини олиб бориш.
- b. тижорат банклари устидан назорат урнатиш.
- c. ташки иктисодий фаолият билан боғлиқ операцияларни бошқариш.
- d. барча жавоб тугри.

**60. Ҳисоб проценти-бу:**

- a. банклар томонидан векселларни, кимматбаҳо коғозларни, ҳамда бошқа қарз мажбуриятларини тулов муддати келгунга қадар сотиб олиш учун пулни олдиндан беришдаги тулов ҳақи;
- b. Марказий банклар томонидан кимматбаҳо коғозларни, ҳамда бошқа қарз мажбуриятларини тулов муддати келгунга қадар сотиб олиш учун пулни олдиндан беришдаги тулов ҳақи;
- c. банклар томонидан векселларни, кимматбаҳо коғозларни ва облигация купонларини, ҳамда бошқа қарз мажбуриятларини тулов муддати келгунга қадар сотиб олиш учун пулни олдиндан беришдаги тулов ҳақи;
- d. Тўғри жавоб йўқ

## НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Банк тизими. Банк турлари (корхона, банк, риск).
2. Банкларнинг операциялари ва уларнинг тузилиши (операция, даромад, риск).
3. Банк фаолиятига бериладиган лицензиялар (марказий банк, лицензия, фаолият).
4. Марказий банк ва унинг функциялари (марказий банк, функция, сиёсат).
5. Тижорат банклар тизими ва уларнинг вазифалари (банк, тизим, вазифа).
6. Банкларнинг функционал йуналиши буйича классификацияси (функция, йуналиш, тижорат).
7. Ўзбекистон Республикасининг бозор иқтисодиёти шароитида банк тизими ва ислохатлари (тизим, ислохат, маблағ).
8. Бозор иқтисодиёти шароитида пул маблағларини айланиши ва кредитлаштиришида банкнинг функциялари (бозор, иқтисодиёт, молиялаштириш).
9. Бозор иқтисодиёти шароитида банк тизими (бозор, корхона, тизим).
10. Тижорат банклари кредит маблағлари ва уларнинг тузилиши (тижорат, даромад, маблағ).
11. Тижорат банклари кредит ресурсларидан маблағларидан самарали фойдаланиш кўрсаткичлари (ресурс, муддат, депозит).
12. Тижорат банклари операциялари ва уларни кўпайтириш йўллари (операция, банк, фоиз).
13. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва уни ваколатлари (корхона, ваколат, банк).
14. Ўзбекистон Республикаси банк тизими ва уни бошқариш (бошқарув, восита, меъёр).
15. Банк раками тушунчаси, уларнинг турлари (ракам, операция, ҳуқуқ).
16. Банк ракамларини очиш тартиби (ариза, тартиб, мажбурият).
17. Ҳисоб-китоб операцияларининг асосий ва иқтисодий мазмуни (ҳисоб-китоб, операция, тулов).
18. Нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг ташкил ўтиш тизими ва принциплари (тамойил, пул, тулов).
19. Банклараро ҳисоб-китоблар (ваколат, депозит, муносабат).
20. Корреспондент рақамлар буйича банклараро ҳисоб-китобларни ташкил ўтиш тизими (ракам, ностро, лоро).

21. Тўлов топшириқномаси (тулов, хужжат, муддат).
22. Тўлов талабномаси (талаб, акцепт, маблағ).
23. Чеклар билан ҳисоб-китоблар ва уларнинг асосий мазмуни (чек, товар, тулов).
24. Аккредитив ҳисоб-китоб тизими ва уни ўтказиш тартиби (кафолат, риск, муддат).
25. Банк амали, тида янги ҳисоб-китобларини тадбик килиш муаммолари (пластик карточка, электрон тулов тизими).
26. Бозор иқтисодиёти шароитида банк тизимида очиладиган ҳисоб варақлари (мижоз, банк, ҳукук).
27. Тижорат банкларида амалга ошириладиган нақт пулсиз ҳисоб-китоб шакллари (тамойил, шартнома, шакл).
28. (махсулут, товар, банк, ҳизмат, тижорат)
29. Ўзбекистон Республикаси “Банклар ва банклар фаолияти” тугрисидаги қонуни (банк тушунчаси, фазифалари, тизими, мажбурияти, ҳукуқи, хусусиятлари)
30. Тижорат банклари томонидан амалга ошириладиган электрон тўлов тизими (функция, навбат, тулов).

## МАЛАКАВИЙ ИШ МАВЗУЛАРИ

1. Мамлакат иқтисодиётини модернизациялаш шароитида тижорат банклари активлари ва уларни бошқариш усуллари.
2. Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида актив ва пасивларни самарали бошқариш усуллари.
3. Тижорат банклари жамғарма операциялари ва уни такомиллаштириш йўллари.
4. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида тижорат банки баланси ликвидлиги ва барқарорлигини бошқариш йўллари.
5. Тижорат банкларида бизнес режа ва бюджетини тузиш тартиби ва уни таҳлили.
6. Жаҳон молиявий глобализацияси даврида банк рискларини пайдо бўлиш сабаблари ва уларни пасайтириш йўллари.
7. Тижорат банклари актив операциялари тузилмасида кредит оперциясининг ўрни ва уни самарадорлигини ошириш усуллари.
8. Тижорат банклари фаолиятида кредит рисклари ва уларни пасайтириш усуллари.
9. Муддатли валюта операциялари: уларни Ўзбекистон Республикаси банк фаолиятига жорий этиш масалалари.
10. Ўзбекистон республикасида инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш-муаммоли активларни камайтириш усул сифатида.
11. Тижорат банкларида корпоратив менежментни ривожлантириш масалалари.
12. Кичик бизнес субъектларини кредитлаш ва аудитини юритиш муаммолари.
13. Мамлакат кредит институтлари кредит портфелида муаммоли кредитларни камайтириш йўллари.
14. Жаҳон молиявий глобализацияси даврида банк можозлари молиявий ҳолатини таҳлил қилиш йўллари.
15. Қишлоқ хўжалиги тузилмаларини молия-кредит ташкилотлари томонидан кредитлаш тартиби ва уни такомиллаштириш.
16. Дехқон фермер хўжаликлари фаолияти самарадорлигини оширишда кредит ва ҳисоб механизмининг аҳамияти.
17. Тижорат банкларида лизинг операцияларини амалга ошириш тартиби ва уни кенгайтириш муаммолари.
18. Мамлакат қишлоқ жойларида “Калити билан” қурилишларни кредитлашни такомиллаштириш йўллари.
19. Ўзбекистон республикасида қурилиш ташкилотларининг асосий фаолиятини кредитлаш ва мониторингини амалга ошириш масалалари.
20. Мамлакат иқтисодтиётини модернизациялаш шароитида йирик лойиҳаларни синдицирлашган ҳолда кредитлаш тартибини такомиллаштириш.

21. Инвестицион лойиҳаларни миллий ва хорижий валюталарда молиялаштириш масалалари.
22. Ўзбекистон Республикасида кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларини микромолиялаштириш масалалари.
23. Тижорат банкларида кредит операциялари ва уларни такомиллаштириш йўллари.
24. Мамлакат банк тизимида тижорат банклари барқарорлиги ва уларни бошқариш муаммолари.
25. Ўзбекистон Республикасида депозитра институтларфаолиятини ривожлантириш истиқболлари.
26. Фонд бозорида янги ҳосилавий дастакларни жорий қилиш йўллари.
27. Инвестиция лойиҳаларини молиявий маблағлар билан таъминлашда маркетинг тадқиқотларининг ўрни.
28. Инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда вужудга келадиган инвестицион рискларни баҳолаш ва бошқариш йўллари.
29. Инвестиция лойиҳаларининг молиявий самарадорлик кўрсаткичлари ва уларни баҳолаш масалалари.
30. Тижорат банкларида инвестицион лойиҳаларни узок муддатли кредитлаш амалиёти ва уни ривожлантириш.

## МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ УЧУН САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси банк тизимида синдицирлашган кредитлаш амалиёти ва уни кенгайтириш йўллари.
2. Банклар томонидан кичик бизнес субъектларини кредитлашда лойиҳаларни эконометрик моделлаштириш масалалари.
3. Ўзбекистон Республикаси кредит тизимида кредитлаш амалиёти ва унда янги хизмат турларини тадбиқ этиш муаммолари.
4. Тижорат банкларида рентабеллик кўрсаткичлари ва уларни бошқариш муаммолари.
5. Ўзбекистон Республикасида тижорат банкларида депозит сертификатлари билан операцияларини ривожлантириш истиқболлари.
6. Тижорат банклари ва Фонд бозори алоқалри ва уларни такомиллаштириш.
7. Мамлакат банк тизимида маркетинг фаолияти ва уни такомиллаштириш йўллари.
8. Ўзбекистон Республикасида марказлашган инвестицион лойиҳалар ва уларни молиялаштириш йўллари.
9. Мамлакат иқтисодиётини модернизациялаш шароитида инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш ва баҳолаш муаммолари.
10. “Инқирозга қарши чоралар” Дастурини амалга оширишда кредит уюшмаларининг аҳамияти.
11. Мамлакатни модернизациялаш шароитида микромолиявий хизматлар бозорини кенгайтириш муаммолари.
12. Ўзбекистон Республикасида кредит уюшмаларини ташкил этиш ва бошқариш масалалари.
13. Ҳалқаро молия институтлари ва уларни Ўзбекистон билан ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш йўллари.
14. Ўзбекистон Республикасида Осиё тараққиёт банки лойиҳаларни молиялаштиришни кенгайтириш йўллари.
15. Осиё тараққиёт банки ва уни Ўзбекистон Республикаси билан ҳамкорлигини кенгайтириш йўллари.
16. Ўзбекистон Республикасида кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда нобанк ташкилотларининг аҳамияти.
17. Ўзбекистон Республикасида кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда молия-кредит институтларининг ўрни.
18. Тижорат банклари фаолиятида кредит рисклар ва уларни бошқариш усуллари.
19. Тижорат банклари фаолиятида нодепозит операцияларининг аҳамияти.
20. Тижорат банклари фаолиятини стратегик режалаштириш тартиби ва уни такомиллаштириш.
21. Тижорат банкларида фоиз рискинни бошқаришнинг асосий йўналишлари ва услублари.

22. Пул муомаласини тартибга солиш борасида мавжуд муаммолар ва уларни камайтириш йўллари.
23. Нақд пул айланмаларини қисқартириш йўллари.
24. Инвестицион лойиҳаларни комплекс экспертизаси ва уларни молиялаштириш тартибини такомиллаштириш.
25. Ўзбекистон Республикаси банк тизимида кредит операцияларини мониторингида скорингдан фойдаланиш масалалари.
26. Тижорат банклари фаолиятида факторинг операцияларини кенгайтириш йўллари.
27. Ўзбекистон Республикасида банк тизимида форфейтинг ва фьючерс операцияларини жорий этиш масалалари.
28. Ўзбекистон Республикасида венчурли инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш масалалари.
29. Лойиҳаларни молиялаштиришдаги даврий рисклар ва уларни тақсимлаш имкониятлари.
30. Тижорат банкларини солиққа тортиш тартиби ва уни аудит қилиш.

## ГЛОССАРИЙ

**Ҳозирги замонда пулнинг сотиб олиш қувватини** аҳолига сотиладиган товарлар массаси ва кўрсатилган хизматлар ҳажми белгилайди.

**Пул муомаласи қонуни** бу-мамлакатда товар айирбошлаш учун хизмат килувчи зарурий пул миқдорини белгиловчи, пул муомаласи ҳаракатини ўргатувчи ва барча пулларга таалуқли қонундир.

**Пул тизими** бу-давлат қонунлари асосида пул муомаласини ташқил қилиш шакли ҳисобланади.

**Инфляция**, бу товар муомаласига нисбатан қоғоз пул массасининг ортиқчалигидир.

**Пул массаси очик бозордаги операциялар**, марказий банкнинг мажбурий захиралар бўйича сиёсати, пул секторида пул миқдорининг камайиши, селектив сиёсат орқали артибга солинади

**Монетар сиёсатнинг билвосита инструментлари** бўлиб мажбурий захира талаблари, қайта молиялаштириш ставкаси, очик бозордаги операция ва селектив кредитлаш ҳисобланади.

**Монетар сиёсат** бу-Макроиқтисодий шароитларга таъсир кўрсатиш учун давлат томонидан ишлатиладиган инструмент.

**Эмиссия**- муомалага пул ёки қимматли қоғозларни чиқариш. Пул эмиссияси-бу муомаладаги пул массасини ортишига олиб келувчи пулларни чиқаришдир.

**Пул массаси**- ҳар қандай мамлакат иқтисодиётида товарлар ва хизматлар айланишини таъминлайдиган, хусусий шахслар, институционал мулкдорлар(корхоналар, бирламалар, ташкилотлар ва б.) ва давлат эгалик қиладиан нақд ва нақд пулсиз харид ҳамда тўлов воситалари мажмуидир.

**Банк тизими**- бу мамлакат ҳудудида тарихан шаклланган ва конкн билан муцаҳкамланган кредит ташкилотларининг фаолият кўрсатиш шаклидир. Худди пул ва молия тизими каби банк тизими ўзига ҳос миллий белгиларига эгадир. Шу белгилар шу ҳудуднинг, географик шартлари об-хаво аҳоли миллий тузилиши, уларни нима билан машгуллиги, кушнилари билан муносабати, савдо йўллари ва омилар асосида шаклланади.

**Банк тизими** - ягона манога эга эмас. Уни турли белгиларига қараб гуруҳлаш мумкин. Ўзбекистон Республикаси банк тизими икки поғонадан иборат. Биринчи поғона банки-Марказий банк, иккинчи поғона банклари тижорат банклари тизими.



**Банкнинг пассив операциялари** – банкнинг маблағларни жалб қилиш билан боғлиқ операцияларидир. Банкларнинг пассив операциялари бу – банклар кредит ва бошқа актив амалиётларни бажариш учун ўз ресурсларини шакллантириш операцияларидир.

**Депозит** – лотинча сўздан олинган бўлиб, луғавий маъноси-сақлаш учун топширилган буюм маъносини билдиради. Иқтисодиётда эса мижознинг ўз маблағини вақтинча фойдаланиш учун банкга топшириш натижасида вужудга келадиган иқтисодий муносабатни тушунилади.

**Банкнинг актив операциялари**-банкларнинг келажакда даромад олиш мақсадида жамланган кредит маблағларини кредитларга ва инвестицияларга жойлаштирилиши ва бошқа мақсадли операцияларидир.

**Тижорат банкларининг кредит сиёсати** – бу банкларнинг кредит рискларини камайтириш ва кредит операцияларининг даромадлилигини кўпайтириш мақсадида амалга оширадиган комплекс тадбирлари мажмуасидир.

**Банк ликвидлиги**- банклар мажбуриятларини ўз вақтида қайтара олиш қобилияти ёки пассивлардаги мажбуриятларни қайтариш учун активларни пулга айланиш қобилиятидир.

**Банкларнинг барқарорлигини** янада мустаҳкамлаш ва уларнинг ликвидлигини тартибга солиш мақсадида 2008 йилнинг 1 декабридан бошлаб тижорат банкларининг Марказий банкдаги мажбурий захиралар фондига ўтказмалари буйича меъёр миллий ва хорижий валютада жалб қилинган депозитлар учун бир хил, яъни 15 фоиз қилиб белгиланди.

Мулкчилик шаклидаги тижорат банклари корпоратив облигациялар чиқариш ҳуқуқига эга бўлишди.

**Корпоратив облигациялар**- корпоратив ташкилий тузилмалар(юримдик шахслар) томонидан ўзининг фаолиятини молиялаштириш учун муомалага чиқарилган қарз инструментларидир.

**Мамлакатнинг Марказий банки** - шу давлат банк тизимининг асосий қисми бўлиб ҳисобланади.

**Марказий банклар томонидан бажариладиган операциялар** қуйидаги турт гуруҳга (турга) бўлинади:

- 1.Банкнотларнинг монопол эмиссиясини амалга ошириш;
- 2.Марказий банк- банклар банки ҳисобланади;
- 3.Марказий банк- ҳукумат банкири ҳисобланади;

4. Марказий банк пул-кредитни тартибга солади ва банк назоратини амалга оширади.

**Марказий банкнинг пул-кредит сиёсати умумиктисодий инфратузилмаларни тартибга солишнинг, бозор конъюктурасини юқори даражада ушлаб туриш, бандликка тасир ўтказиш, инқирозли тушумларни олдини олишнинг ажралмас қисми сифатида намоён бўлади.**

**Қайта молиялаштириш сиёсати** - Марказий банк томонидан кредит институтларининг векселларни сотиб олиш шакли ва қимматбаҳо қоғозларни гаровга олиш йўли билан кредитлаш тушунилади.

**Мажбурий захиралар сиёсати**-тижорат банклари жалб қилган маблағларидан маълум бир қисмини Марказий банкнинг захира фондига ўтказилишидир. 2009 йилда банк тизимини ислоҳ қилиш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 28 июлдаги ПҚ-1166-сонли Қарорига асосан пул массасининг мақсадли параметрларидан келиб чиққан ҳолда ва тижорат банклари томонидан узоқ муддатли депозитлар жалб қилишни рағбатлантириш мақсадида 2009 йилнинг 1 сентябридан бошлаб табақалаштирилган мажбурий захиралар нормаси жорий этилди.

**Банк кредити**-банклар пулни унинг соҳибларига фоиз тўлаш шarti билан ўз қўлида жамлайдилар ва ўз номидан қарзга бериб, фоиз олишдир.

**Валюта бозорлари** - бу талаб ва таклиф асосида турли хил валюталар олди-сотди қилинадиган расмий марказлардир. Валюта бозори- хорижий валюталар ёки хорижий валютадаги тўлов ҳужжатлари бўйича операцияларни амалга ошириш билан боғлиқ иқтисодий муносабатларнинг алоҳида соҳасидир.

**Валюта операциялари** - чет эл валюталари ва валютавий кимматликларга мулк ҳуқуқини алмашиниши билан боғлиқ операциялари.

**Кредит-ўз эгалари қўлида вақтинча бўш турган пул маблағларини бошқалар томонидан маълум муддатга ҳақ тўлаш шarti билан олиш ва қайтариб бериш юзасидан келиб чиққан муносабатдир.**

**Истеъмол кредити**-тижорат банклари истеъмолчиларга товар сотиб олиш учун берган қарзидир.

**Кредит турлари:**

- қисқа муддатли кредитлар (муддати бир йилгача бўлган кредитлар)
  - узоқ муддатли кредитлар (муддати бир йилдан ортиқ бўлган кредитлар)
- дир.

**Кредит экспансияси**-мамлакатнинг ссуда капиталлари бозорида фоиз ставкаларининг пасайиши натижасида кредит олувчиларнинг кўпайиши ва бунинг оқибатида, кредит қўйилмалари ҳажмининг кескин кўпайишидир.

**Либор**- Лондондаги жаҳон ссуда капиталлари бозорида етакчи эркин алмашинадиган валюталар-АҚШ доллари, Германия маркаси, Япония иенаси, Буюк британия фунт стерлинги каби валюталардаги депозитларга тўланадиган фоиз ставкасидир.

**Тўлов баланси** - мамлакатнинг хорижий давлатлар билан бўладиган алоқалари натижасида юзага келадиган валюта тушумлари ва тўловларининг ҳақиқатдаги суммаси акс эттирилади. Актив тўлов баланси - тўлов балансида тушумлар суммаси тўловлар суммасидан ортиқ бўлади.

**Халқаро ҳисоб-китоблар**-ташқи савдо, капиталлар ва кредитларнинг ҳаракати билан боғлиқ валютавий операциялар, валютада олди-сотди қилиш операциялари ва бошқа товарсиз ҳаракатдаги операциялар мажмуи тушунилади.

**Фоиз ставкаси**-қарздор кишининг олган қарзи учун пул эгасига тўлайдиган тўловидир.

## ДИДАКТИК ВА ТАРҚАТМА МАТЕРИАЛЛАР

### 1-МАВЗУ. БАНК ТИЗИМИ ВА БАНК ФАОЛИЯТИ

#### 1. Миллий иқтисодийни модернизациялаш шароитида тижорат банклари бозор инфратузилмасининг асосий тармоғи сифатида.

Барча соҳаларда бўлгани каби молия бозорида, шу жумладан, банк секторида ўтказилаётган ислоҳотларда унда сезиларли силжишлар ва ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Бу ўзгаришлар мустақиллик йилларида жаҳон андозаларига мос келадиган банк тизимини босқичма босқич барпо этиш билан ҳамоханг тарзда давом эттирилмоқда.

Чунки, жаҳонда давом этаётган иқтисодий-молиявий инқироз йилларида кўплаб давлатлар ўз иқтисодиётига, айниқса, молия-банк соҳасини сақлаб қолиш мақсадида айнан шу соҳага улкан маблағларни йўналтиришга мажбур бўлди. Бу, ўз навбатида, бир қатор давлатларда, авало, ривожланган мамлакатларда катта миқдордаги давлат бюджети тақчиллиги ва давлат қарзларини келтириб чиқарди, молиявий номутаносибликнинг юзага келишига сабаб бўлди.

#### 2. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида Ўзбекистон Республикасининг банк тизими ва унинг асосий операциялари.

○ Тижорат банклари қуйидаги операцияларни бажаради:

вақтинча бўш турган пул маблағларни йиғиш ва уларни капиталга айлантириш;

юркхона, ташкилотлар ва аҳолини кредитлаш;

муомалага кредит пуллар (муомаланинг кредит воситалари) ни чиқариш;

иқтисодиётда ҳисоб-китоблар ва тўловларни амалга ошириш;

молия-валюта бозорида фаолият кўрсатиш;

иқтисодий-молиявий ахборотлар бериш ва маслаҳат хизматларини кўрсатиш.

## ТИЖОРАТ БАНКИ ШУНИНГДЕК ҚҰЙИДАГИ ОПЕРАЦИЯЛАРНИ АМАЛГА ОШИРАДИ:

1. Мижозларнинг ҳисоб варақларини олиб боради;
2. Мижозларга касса хизмати кўрсатади;
3. Мижознинг топшириғига биноан нақд пулсиз ҳисоб-китобларни бажаради;
4. Қисқа ва узок муддатли кредитлар беради;
5. Шартнома асосида пуллик асосида бузортмачининг топшириғига биноан капитал қўйилмаларни маблағ билан таъминлайди;
6. Бўш пул маблағлари - депозитларини муомалага жалб қилади;
7. Аҳолидан омонотларни қабул қилади;
8. Факторинг операцияларини;
9. Лизинг операцияларини;
10. Тижорат банки давлатнинг ҳамда бошқа ташкилотларнинг қимматли қоғозларини харид қилади ва сотади;
11. Хорижий валюта ва қимматбаҳо металлларни харид қилади ва сотади;
12. Ўз миқозлари учун кафолат ва мажбуриятлар беради;
13. Бюджетнинг касса ижросини;
14. Банк операциялари бўйича маслаҳатлар беради.

## 3. БАНК ТУРЛАРИ УЛАРНИНГ ФУНКЦИОНАЛ ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА КЛАССИФИКАЦИЯСИ (ЭМИССИОН, ТИЖОРАТ, МУЛК, ИХТИСОСЛАШУВ ВА БОШҚАЛАР)

Банк тизими - ташкилий тузилма сифатида йирик тизим бўлиб - мамлакатнинг иқтисодий тизимига кирди. Бу шуни билдирадики, банкларнинг фаолияти ва ривожланишини моддий ва номоддий неъматларни ишлаб чиқариш, муомала ва истемол қилиш билан боғлиқ ҳолда кўриб чиқиш зарурдир.

Банк тизими - бу мамлакат ҳудудида тарихан шаклланган ва конкн билан мустаҳкамланган кредит ташкилотларининг фаолият кўрсатиш шаклидир.

Банк тизими - ягона маного эга эмас. Уни турли тамойилларни куриш, турли ҳолатларига қараб гуруҳлаш мумкин.

## 4. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК ТИЗИМИНИНГ УЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Ўзбекистон бозор иқтисодиётига ўтишнинг босқичма - босқич йўлини танлаганлиги боис, 1 - босқичдаги кредит-пул сиёсати соҳасидаги асосий вазифалар қуйидагилардан иборат қилиб қўйилди:


- Марказий банк бошчилигида кенг тармоқли мустақил тижорат ва хусусий банкларни ўзида мужассамлаштирган икки босқичли банк тизimini вужудга келтириш, республика ҳудудида йирик чет эл банкларининг бўлимлари ва ваколатхоналарини очиш учун қулай шароит яратиш;
- барқарор пул муомаласини таъминлаш;
- кредит ва нақд пул массасининг асоссиз ўсишини кескин чеклаш;
- Ўзбекистон Республикасининг миллий пулини муомалага киритиш учун зарур иқтисодий ва ташкилий шарт - шароитлар, ҳамда имкониятларини яратиш ва бошқалар.

Банк фаолиятида рискнинг иқтисодий асосланган чегаралардан чиқиб кетмаслик банк системаси барқарор ишланиши муҳим шартидир. Риск доираларини чеклаб қўйиш Марказий банк томонидан тижорат банклари учун риоя этилиши мажбурий бўлган иқтисодий меъёрларни белгилаб қўйиш орқали амалга оширилади. Марказий банк банклар учун мажбурий бўлган иқтисодий меъёрларни. Шу жумладан:

- капиталнинг етарлилиги коэффициенти;
- бир қарз олувчи ёки бир - бирига дахлдор қарз олувчилар гуруҳига таваккалчиликнинг энг кўп миқдорини;
- йирик кредит таваккалчилик ва инвестицияларнинг энг кўп миқдорини;
- ликвидлик коэффициентларини ва бошқаларни белгилайди.

Банклар фаолиятини тартибга солиш ва уларни назорат қилишдан асосий мақсад "Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида" ги қонуннинг 50 - моддасига мувофиқ банк тизимини барқарор тутиб туриш, омонатчи ва кредиторлар манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат.

Тижорат банклари Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидаги ўз ҳисобварақларидан ўзаро ҳисоб - китоблар учун фойдаланадилар ва ундан ташқари нақд пул зарур бўлганда ҳам улар Марказий банкга мурожаат қилишади.



**5. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ “БАНКЛАР ВА БАНКЛАР ФАОЛИЯТИ” ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН.**

- Ўзбекистон республикасининг N 216-I “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида” ги Қонуни 25.04.1996 йилда қабул қилинган. Қонун ўз ичига қуйидаги бўлимларни олган:

I. Умумий қоидалар (1-6-моддалар)
II. Банклар ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини тугатиш тартиби (7-19-моддалар)
III. Банк фаолиятини тартибга солиш. Банкларнинг ҳуқуқ ва бурчлари (20-35-моддалар)
IV. Банкларга васийлик қилиш (36-37-моддалар)
V. Банк мижозларининг манфаатларини ҳимоя қилиш (38-40-моддалар)
VI. Банкларда ҳисоб юритиш ва ҳисобот Банкларни назорат қилиш (41-44-моддалар)

**6. БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИДА ПУЛ МАБЛАҒЛАРИНИ АЙЛАНИШИ ВА КРЕДИТЛАШТИРИШДА БАНКНИНГ ФУНКЦИЯЛАРИ.**

- Тижорат банклари кредитлаш жараенлари орқали мамлакат иқтисодининг ривожланишига ҳам жуда катта ҳисса қўшмоқда.
- Тижорат банкларининг яна бир муҳим функциясидан бири бу ҳисоб тўловларини амалга ошириш функциясидир. Бугунги кунда корхона ва хўжаликлари ўртасидаги ҳисоб-китобларнинг асосий қисми пул ўтказиш йўли билан амалга оширилмоқда. Бу жараенларда тижорат банки воситачи сифатида тўловлар ўтказиш жараенини бажармоқда.


Айни пайтда банк тизимининг умумий активлари ҳажми аҳоли ва юридик шахсларнинг ҳисобварақларидаги маблағлар миқдоридан 2 баробардан ҳам ортиқ бўлиб, бу депозитларни ишончли ҳимоя қилиш ҳамда уларга ўз вақтида ва тўла ҳажмда хизмат кўрсатишни кафолатлайди.

**8. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ КАПИТАЛИГА ҚЎЙИЛГАН ТАЛАБЛАР.**

Натижада охириги беш йил давомида мамлакатимиз банк сектори капиталининг етарлилик даражаси банк назорати бўйича Базель қўмитаси томонидан 8 фоиз этиб белгиланган халқаро меъёрдан 3 баробар кўп бўлган даражани ташкил этди.

Ҳисобот йилида тижорат банкларининг жами капитали ўтган йилга нисбатан 30 фоиз ошиб, 2012 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра 5,3 трлн. сўмни ташкил этди.

Банкларнинг жами капитали  
(млрд. сўм)



- Ўзбекистон Республикасининг "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида", "Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида", "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунларига ҳамда бошқа қонунлар ва қонун ҳужжатларига мувофиқ тижорат банклари устав капитали миқдори, акциядорлар таркиби, банк номи ва манзилининг ўзгариши, тижорат банки уставига киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчаларни рўйхатга олиш тартиби белгилаб қўйилган.



## МАРКАЗИЙ БАНКНИНГ ПУЛ-КРЕДИТ СИЁСАТИ СЭЛЕКТИВ УСУЛЛАРИГА:

- лимитлар, квоталар урнатил орқали кредит миқдорини ёки Векселларини ҳисобга олишни тўғридан-тўғри қисқартиришдир;

- кредит операцияларини ўсиш даражасини пасайтириш;

- алоҳида олинган турдаги кредитлар устидан назоратни урнатил, исмол кредити устидан;

- алоҳида олинган жамғармаларга юқори фоизларни ўрнатил ёки умуман фоиз ставкаларини тартибга солиш ва бошқалардир.

## УМУМАН ОЛГАНДА МАРКАЗИЙ БАНКЛАР ТОМОНИДАН БАЖАРИЛАДИГАН ОПЕРАЦИЯЛАР ҚУЙИДАГИ ТУРТ ГУРУХГА (ТУРГА) БЎЛИНАДИ:

1. Банкнотларнинг монопол эмиссиясини амалга ошириш;

2. Марказий банк- банклар банки ҳисобланади;

3. Марказий банк- ҳукумат банкири ҳисобланади;

4. Марказий банк пул- кредитни тартибга солади ва банк назоратини амалга оширади.

## ЖАҲОН БАНК ТИЗИМИДА РЎЙ БЕРАЁТГАН ТУБ ЎЗГАРИШЛАР МДХ МАМЛАКАТЛАРИ БАНК ТИЗИМИГА ҲАМ ТОБОРА ҚЎПРОК ТАЪСИР КЎРСАТАЁТИР. ХЎШ, ГАП ҚАЙСИ ЎЗГАРИШЛАР ТЎҒРИСИДА БОРМОҚДА?

Биринчидан, бу ўзгаришлар тўловларнинг янги интеграция воситаларини юқори суръатлар билан шакллантирадиган банк операцияларини компютерлаштиришнинг технологик инқилоби билан боғлиқ.

Иккинчидан, банк ишида ўсиб бораётган рақобат банкларнинг кўшилиб кетишига олиб келади, бу эса сармоялар бозорида ва иқтисоднинг инвестициялар соҳасида янги шароитларни вужудга келтиради.

Учинчидан, бу анъанавий банк хизматлари бозорига тобора шахдам одимлар билан кириб келаётган банкдан ташқари тузилмалар билан рақобатнинг кучайиши.

Тўртинчидан, банк ишларига бу хизматларнинг кўп сонли истъёмчилари таъсири ортади.

### БУ ВАЗИФАЛАРНИНГ БАРЧАСИ БАНК МЕНЕЖМЕНТИ БИЛАН БОГЛИҚДИР.

#### Менежмент

- - ташкил этиш ва бошқаришнинг тизимини тўғрироқ олиб бориши ҳақидаги илмий билимдир. Менежмент тушунчаси ва унинг иқтисодий моҳияти турлича тушунитади. қисқа маънода менежмент сўзи - жамоани ташкил қилиш ва бошқариш билан боғлиқ бўлса, кенг маънода менежмент - банк фаолиятини ва унинг ишчиларини шакллантиришни бошқариш тушунилади.

### БУ ХУСУСИЯТЛАРГА:

-пул бозори шароитида хўжалик субъекти сифатида банк ишини рентабеллигини таъминлаш;

-кредитор ва жамгармачилар қизиқишини таъминлаш мақсадида, банкни ишончли шерик сифатида унинг баланси ликвидитлигини таъминлаш;

-банк мижозларига кўрсатилаётган хизматларини ҳажми, тури, сифатини яхшилаган ҳолда улар орасидаги алоқаларни доимийлигини таъминлаш учун мижозлар талабларини максимал қондириш;

-жамоанинг ишлаб чиқариш, тижорат ҳамда ижтимоий муаммоларни биргаликда ҳисобга олган ҳолда ҳал қилиш;

-мутахассисларнинг потенциалидан тўлароқ фойда олиш мақсадида уларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларни жойларига қўйиш.


### 1.Тижорат банкларининг маблағлари ва уларнинг таркибий тузилиши.

Жаҳоннинг кўплаб мамлакатларини қамраб олган молиявий инкироз қўлами кенгаётганига қарамай, Ўзбекистон банк тизими ишончлилиги ва барқарор ривожланаётгани, хорижий молиялаштириш манбаларига қарамлиги йўқлиги ва ташқи инкироз ҳолатларининг салбий таъсирига берилмаслик хусусиятлари билан ажралиб турди.

Натижада охириги беш йил давомида мамлакатимиз банк сектори капиталининг етарлилик даражаси банк назорати бўйича Базель қўмитаси томонидан 8 фонд этиб белгиланган халқаро меъёрдан 3 баробар кўп бўлган даражани ташкил этди.


## Ўзбекистон Республикаси банкларининг жами капитали

Банкларнинг жами капитали  
(млрд. сўм)



Ўзбекистон республикаси тижорат банкларида жалб этилган аҳоли омонатлари қолдиғи.

Аҳоли омонатлари қолдиғи (млрд.сўм)



Бизнинг фикримизча, банк пасивлари банк ресурсларини ташкил қилиш манбаи бўлиб, уларнинг ҳажми бир неча омилларга боғлиқ:

- банкларнинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган фаолияти;
- пул-кредит сиёсатини бошқариш соҳасидаги Марказий банкнинг сиёсати;
- банкнинг жалб қилинган маблағлари ва уларнинг таркиби;
- тижорат банки томонидан Марказий банкка ўтказиладиган мажбурий заҳира миқдори;
- бошқа пасивлар.

## 2.Банкларнинг пасив операциялари

Банк ресурсларининг шаклланиши ва уларни барқарорлигини таъминлашда қуйидагилар асосий бўлиб қолмоқда:

- Бугунги кунда банкларнинг асосий маблағлари ўсиши акциядорларни жалб қилиш ва уларнинг маблағларини жойлаштириш ҳамда олинган даромадлардан ажратмалар ажратиш, заҳира фондлар яратиш ва мақсадли заҳиралар тузиш орқали амалга оширилмоқда.

- Банкнинг пасив операцияларини юритиш орқали, яъни депозитларга жалб қилиш, юридик ва жисмоний шахсларнинг талаб қилиб олгунча ва жамғарма, муддатли омонатларига, вақтинча ёки талаб қилиб олгунча шартлари бўйича жойлаштириш орқали олиб борилмоқда.

### 3.Тижорат банклари кредит потенциали тузилиши.

Банк ресурслари бизга маълумки пассив операцияларни натижасида шаклланади. Банкнинг пассив операциялари – банкнинг ўз ва жалб қилинган маблағларини устида амалга оширилган амалиётларда юзага келади. Молния-кредит луғатларда берилишича, банкларнинг пассив операциялари бу – «Банклар кредит ва бошқа актив амалиётларни бажариш учун ўз ресурсларини шакллантириш операциялари» дир.

Банк пассивларини бошқарилишини қўйидагиларни ўз ичига олади ва олиши керак.

<b>Биринчидан</b>	• пассивларни бошқариш – банкни барқарор ресурслар билан таъминлаш.
<b>Иккинчидан</b>	• жалб қилинган ва ўз маблағлари ўртасида нисбатни оптимал тарзда белгилаш.
<b>Учинчидан</b>	• пассивларни бошқариш орқали капиталнинг етарлилиги талабларини назорати.
<b>Тўртинчидан</b>	• депозитлар турларини салмоғини кўпроқ бўлишини таъминлаш ва мулкчилик шаклларини манфаатларини йфода этиши.
<b>Бешинчидан</b>	• муддатли жамғармаларга алоҳида эътибор берилиши ва ликвидлигини таъминланиши.
<b>Олтинчидан</b>	• жалб қилинган ресурсларни муддатлари бўйича жойлаштирилган активларнинг муддатлари ва суғумаларини мос келиши.
<b>Еттинчидан</b>	• пассивларни бошқарилиши шундай ташкил этилиши лозимки, натижавий ҳолатда банк фойда кўриши лозим.

### 4.Тижорат банклари капитали ва уларни таркиби.



## 9. Депозит операцияларнинг турлари ва уларнинг қиёсий тавсифи.



### Муддатли депозитлар қуйидаги хусусиятларга эга:

- аниқ муддатга эга ва улар бўйича ўзгармас (депозит сифатида кўрсатилган) фойз тўланади;
- жорий ҳисоб-китоблар учун фойдаланилмайди;
- миқдор томонидан муддатидан олдин олинямаслиги олозим акс ҳолда фойз тўлаш бўйича шартнома шартлари бекор қилинади ва талаб қилиб олингунча депозит миқдоридан фойз тўланиши мумкин;
- маблағлар секин айланади, узоқ муддатли ссудаларга йўналтирилади;
- мажбурий резерв нормаси нисбатан паст бўлиши мумкин ва ҳ.к.

### 3-мавзу. Тижорат банкларининг актив операциялари. Кредит портфели, уни бошқариш ва баҳолаш

#### 1.ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ АКТИВ ОПЕРАЦИЯЛАРИ ВА УЛАРНИ ТАРКИБИЙ ТУЗИЛИШИ.

Банкнинг актив операциялари унинг операцияларининг аниқлаб берувчи қисми ҳисобланади. Активлар структураси деганда банк баланси активлари турли сифатли моддаларининг баланс якунига нисбати тушунилади. Банк активларининг сифати активлар структураси, актив операцияларни диверсификациялаш, рискли активлар ҳажми, критик ва тулик бўлмаган активлар ҳамда активларнинг узгарувчанлик хусусиятлари билан аниқланади.

Тижорат банклари активларини 4 категорияга бўлиш мумкин: кассадаги нақд пул ва унга тенглашган маблағлар; қимматли қозғаларга инвестициялар; ссудалар; иморат ва усқуналар.

#### АГАР АКТИВЛАР ТАРКИБИНИ БАНК ФАОЛИЯТИДАГИ АССОСИЙ ТУРЛАРИ БУЙИЧА ГУРУХЛАШТИРСАК, У ХОЛДА КУЙИДАГИ ХУЛОСАЛАР ЧИКАРИШ МУМКИН:

Банк актив операцияларида асосий уринни кредит операциялар эгаллайди. Уларнинг улуши 19,90% дан 83,25% гача ташкил этади.

2. Банк активларида иккинчи уринни қимматли қозғаларга қилинган инвестициялар эгаллайди (2,15% дан 29,18% гача).

3. Учинчи уринда — касса активлари (0,2% дан 12,94% гача).

4. Бошқа активлар улуши ҳисоб-китоб хусусиятларидан келиб чиқиб банк операцияларида жуда ҳам кенг спектрни ўз ичига олади (2% дан 78% гача).



**«АСАКА» БАНКИ АКТИВЛАРИ СТРУКТУРАСИ (2009 ЙИЛ**

**БОШИГА)**

1.	Кассадаги нақд пуллар	5,554
2.	Ўз.Р Марказий банкидаги маблағлар	83,680
3.	Бошқа банклардаги маблағлар	29,352
4.	Қарзли қимматли коғозлар	111,744
5.	Мижозларга берилган қарзлар ва бунақлар	137,391
6.	«Репо» битими буйича олинган маблағлар (кайта сотиб олиш шarti билан)	288
7.	Корпоратив қимматли коғозлар	2,468
8.	Бирлашмаган шўъба ва уюшган компаниялардаги инвестициялар	3,112
9.	Ўжам банк активлари	373,589
10.	Асосий воситалар	41,625
11.	Бошқа активлар	5,330
12.	Ўжам активлар	420,544

**2. Банк активларнинг риск ва даромад даражаси бўйича тавсифи.**

Тижорат банкларини активлари таваккалчилик даражаси бўйича 0, 20, 50, 100% ли турт гуруҳга бўлинади. Хар хил тоифали активлар нисбий таваккалчилиги уз зиммасига мажбуриятларни кабул қилган шахс тури ва гаров ёки кафолат тавсифига боғлиқ.

Рискни ҳисобга олган ҳолдаги активлар хар бир актив баланс суммасининг унга тегишли таваккалчилик миқдорига қупайтириш ва риск бўйича аниқланган активлар йингидиси оркали топилади.



### 3. Банкларнинг кредит операциялари ва уларни таркибий тузилиши.

Тижорат банкларнинг актив операциялари ичида кредитлаш жараёни асосий уринни эгаллайди. У куйндаги боскичларни уз ичига олади:

- кредит олиш учун берилган миждознинг ариза талабномасини куриб чикиш;
- карзолувчининг туловгавакредитгалаёкатлилигини банк томонидан урганиб чикилиши;
- кредит кумитасининг карори;
- кредит битимини расмийлаштириш;
- кредит берилиши;
- ссуда ва у буйича фоиз тулашни банк томонидан назорат килиниши.

### 4. Тижорат банклари кредит портфели.

#### Кредит портфели

- уни тугри ташкил этилиши тижорат банкларининг самарали фаолият юритиши учун асос хисобланади.

#### Кредит портфели

- бу турли хил рискларга асосланган муайян мезонларга караб туркумланган кредитдар микёсидаги банк талабларининг йигиндисидир.



## 6. Тижорат банклар томонидан замонавий кредитлаштириш тизими.

Ўтиш даврининг асосий камчиликлари бўлиб эса қуйидагилар ҳисобланади.

- 1. Турли тижорат банклари фаолияти хали ҳам эски кредит бериш усулларининг сақланиб қолаётганлигидир.
- 2. Тижорат ва махсус банкларнинг техник жиҳатдан тўлиқ ривожланмаганлиги, технологиянинг тўла-тўқис банк операциялари жорий қилинмаганлигидир.

Ўтиш даври кредит бериш тизимининг энг муҳим хусусияти шуки, унда ташкилот ва аҳолини унифицирлашган усулларнинг кредит бериш сақланиб қолганидир.

### Бу хусусиятлар қуйидагилардан иборатдир.

1. Кредит бериш тизими банкнинг корхона сифатида ўз ресурсларига бевосита асосланади.
2. Ҳосил бўлган кредит механизми тижорат характерига эгадир.
3. Бугунги кундаги кредит бериш тизимининг ўзига ҳос хусусиятларидан ани бири, уларнинг нафақат ўз кредит маблағларига боғлиқлиги, балки Марказий банк томонидан ўрнатилган иқтисодий нормативларга ҳам бевосита боғлиқлигидир.
4. Ҳозирги давр кредит бериш тизимининг энг муҳим белгиларидан (хусусиятларидан) ани бири уларнинг шартномага асосланмаганлигидир.
5. Кредит бериш тизимининг ақвол ажралиб, кўзга ташланадиган белгиси - бу кредит бериш тизимининг объектидан субъектига ўтганлигидир.
6. Янги кредит бериш тизими, кредитнинг эски, аммо принципал (махсус) принципларига асосланади.

Қарздорни кредит олиш қобилиятини баҳолашга қуйндагилар сабаб бўлиши мумкин:

- иқтисодиёт бугинлари субъектларини давлат маъсарруфидан чиқиши ва хусусий лаштириши;

- давлат кармогида бўлмаган турли мулкдаги корхоналарнинг шаклланиши ва ривожланиши;

- корхоналарнинг молиявий барқарорлигини тўлиқ ақс еттирмайдиган иборат маблағларини улар ихтиёрида тўрланиб қолиши (корхона ихтиёрида бегона шахсларнинг рул маблағларини тўрланиб қолиши);

- банк тизимини тўлиқ хўжалик ҳисобига ўтиш ва банк барқарорлигини тиклаш учун банк рискларини расайтириш

Синфлар бўйича кредитга қобилликни асосий кўрсаткичларига талаблар

№	Кўрсаткичлар номи	И- синф	ИИ - синф	ИИИ - синф
1	Қорлаш коэффициенти	$K_k \geq 2,0$	$2,0 \geq K_k \geq 1,0$	$1,0 \geq K_k > 0,5$
2	Ликвидлик коэффициенти	$L_k \geq 1,5$	$1,5 > L_k \geq 1,0$	$1,0 \geq L_k > 0,5$
3	Автономлик коэффициенти	$A_k \geq 60\%$	$60\% > A_k \geq 30\%$	$30\% > A_k > 15\%$

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

### I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2003.
2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси. –Т. Адолат, 1998.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида”ги қонун. –Т.: Ўзбекистон, 1995.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонун, –Т.: Ўзбекистон, 1996.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги қонун, –Т.: Ўзбекистон, 1998.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Чет Эл инвестицияси тўғрисида”ги қонун, –Т.: Ўзбекистон, 1998.
7. Ўзбекистон Республикасининг “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги қонуни –Т.: Ўзбекистон, 2003.
8. Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги қонун, –Т.: Ўзбекистон, 1996.

### II. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Қарорлари

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 26.11.2010 й. ПК-1438-сон "2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида"ги қарори.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 февралдаги ПК-1474-сонли «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» давлат дастури тўғрисида Қарори. // Халқ сўзи, 2011 йил 10 февраль, 29(5196)-сон.
11. “Банк тизимининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва инвестициявий фаоллигини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” : Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 6 апрелдаги ПК-1317-сонли Қарори.
12. “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” давлат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида: ЎЗР Президентининг Фармойиши. //Халқ сўзи, 2010 йил 9 декабр.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ”Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодий янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” Фармони. // Халқ сўзи, 2005 йил 15 июн.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тижорат банклари депозитларига ахоли ва хўжалик субъектлари бўш пул маблағларини жалб этишни янада рағбатлантириш кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” Қарори// 06.04.2009. ПК-1090-сон.

**III. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси вазирликларининг ҳуқуқий- меъёрий ҳужжатлари**

15. Марказий банк Бошқарувининг 26.12.2009 й. 38/4-сон "Тижорат банклари капиталининг етарлилигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қарори. Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида томонидан 20.01.2010 й. 949-5-сон билан рўйхатга олинган.

16. Тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш, инкассация ва кимматликларни ташишга доир Йўриқнома [Янги тахрир] Ўзбекистон Республикасида Адлия Вазирлигида 27.06.2008 й. 1831-сон билан рўйхатга олинган.

17. Банк кассаларига топширилаётган нақд пул тушумининг барқарор ўсишини ва уларнинг узлуксиз берилишини таъминланиши бўйича мансабдор шахсларни рағбатлантирилиши ва уларнинг масъулиятини ошириш тартиби тўғрисида Низом. Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида 16.04.2008 й. 1792-сон билан рўйхатга олинган.

18. Нақд пул тушуми келиб тушишининг хронометражини ўтказиш тартиби тўғрисида Низом. Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида 09.04.2008 й. 1788-сон билан рўйхатга олинган.

19. Ўзбекистон Республикасида Банкларида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва бухгалтерия ишларини ташкил қилиш тартиби тўғрисида Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида 11.07.2008 й. 1834-сон билан рўйхатга олинган.

**IV. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари**

20. Каримов ИА.. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. // Халқ сўзи газетаси, 2014 йил, 18 январ.

21. Каримов И.А. Бош мақсадимиз - кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. –Т.: Ўзбекистон, 2013. – 36 б.

22. Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. // Халқ сўзи, 2012. 20.01.№14 (5434).

23. Каримов И.А. Мамлакатимиз тараққиётининг қонуний асосларини мустаҳкамлаш фаолиятимиз мезони бўлиши даркор. Халқ сўзи, 2006 йил 25 феврал.

24. Каримов И.А. Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим. Халқ сўзи, 2006 йил 11 феврал.

**V. Дарсликлар**

25. Лаврушин О.И., Банковский менеджмент. Учебник. – М.: КНОРУС, 2010. – 560 стр.

26. Лаврушин О.И. и др. Деньги, кредит, банки. Учебник. – М.: КНОРУС, 2010. -560 стр.
27. Абдуллаева Ш.З. Банк иши. Дарслик. -Т.: Молия. 2007. -510 бет.
28. Стародубцева. Е.Б. Основы банковского дела. Учебник. – М.: ФОРУМ ИНФРА-М, 2006. – 256 стр.
29. Лаврушин О.И. Банковское дело. Учебник. -М.: Финансы и кредит, 2005. -554 стр.
30. Лаврушин О.И. Банковское дело. Учебник. -М.: Финансы и кредит, 2003. -654 стр.

#### **VI. Ўқув қўлланмалар**

31. Ўзбекистон республикаси банк тизими.Ф.М.Муллажонов ва бошқ. Ф.М.Муллажоновнинг умумий тахрири остида. Тўлдирилган иккинчи нашри. Т.: O'zbekiston, 2011.-368 б.
32. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “Барча режа ва дастурларимиз Ватанмиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича Ўқув-услубий мажмуа. –Т.: Иқтисодиёт, 2011.-377 бет.
33. Меркулова И.В., Лукьянова А.Ю. Деньги, кредит, банки. Учебное пособие. – М.: КНОРУС, 2010. – 352 стр.
34. Rashibov O.Yu. va boshqalar. Pul, kredit va banklar. Darslik. -Т.: TDIU, 2010. -428 bet.
35. Лаврушин О.И., Афанасьева О.Н., Корниенко С.Л. Банковское дело: современная система кредитования. Учебное пособие. – М.: КНОРУС, 2009. – 264 стр.
36. Лаврушин О.И. Банковское дело. Учебное пособие. – М.: КНОРУС, 2009. – 352 стр.

#### **VII. Статистика тўпламлари маълумотлари**

37. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг йиллик ҳисоботлари.
38. Ўзбекистон Иқтисодиёти. 2012-2013 й. Таҳлилий шарҳ.
39. Тижорат банкларининг кредитлаш тартиботлари.